



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2001 йил 24 март, шанба • №23 (11.308) • Эркин нархда сотилади

## ХАЛҚ ШОИРИГА ЭҲТИРОМ

Юртимизда давом этаётган Наврўз тантаналари яна бир қутлуғ воқеага улашиб кетди. Атоқли ижодкор, халқимизнинг гурур ва ифтихори, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири **Абдулла Орипов** 60 ёшга тўлди.



Президент Ислом Каримов 22 март куни шоирни Оқсаройда қабул қилиб, таваллуд айёми билан муборакбод этди.

Абдулла Орипов 60-йилларда ўзбек шеърляти осмонида чақиндек пайдо бўлди. Унинг илк шеърлариёқ адабиёт ихлосмандлари қалби тўридан мустаҳкам жой олди. «Митти юлдуз», «Кўзларим йўлингда», «Рухим», «Онажон», «Хайрат» каби илк шеърий тўпламлари уни катта истеъдод эгаси сифатида тез орада халққа танилди.

Шоирнинг бирин-кетин дунё юзини кўрган «Юзмаюз», «Йиллар армони», «Ишонч кўприклари» каби шеърини тўпламлари, «Ҳаким ва ажал», «Жаннатга йўл», «Ранжком», «Соҳибқирон» сингари дoston ва драмалари ўзбек адабиётини янги босқичга кўтарди, у яратган адабий мактаб миллий тафаккурни янада юксалтиришга беқиёс ҳисса қўшди.

Куни кеча шоирнинг тўйига ўзига хос тўёна бўлиб, тўрт жилдлик асарлар тўплами босмадан чиқди. Шеърят муҳлислари учун эса ижодкорнинг барча асарларидан баҳра олиш имконияти туғилди.

Давлатимиз раҳбари бугунги маънавий-маърифий юксалиш даврида Абдулла Орипов шеърлятининг аҳамияти ниҳоятда катта эканини таъкидлади. Сухбат чоғида адабиётнинг жамият олдидоги вазифаси, унинг ҳаётдан доимо олдинда юриши, одамларга тўғри йўлни кўрсатиши, уларни юксак мақсадлар сари са-

фарбар этиши лозимлиги ҳақида қизгин баҳс юритилди.

Шу маънода, бугунги куннинг замонавий қаҳрамонларини яратиш, ҳаётга эндигина қадам қўяётган ёшларни ана шу фидойи инсонлар ҳаёти мисолида тарбиялаш адабиётимиз олдида турган муҳим вазифа экани таъкидланди.

Ҳозирги адабий жараёнга танқидий баҳо берар экан, Ислом Каримов, адабиёт аҳли, муҳтарам ёзувчи ва шоирларимиз халқимизга Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги дея мухтасар ифодаланган олий мақсадларимиз моҳиятини, бугунги мураккаб ҳаётимизда ўз фидойилиги, тadbиркорлиги билан бошқаларга ўрнат бўлаётган инсонлар ҳаётини бадиий образлар орқали очиб кўрсатиши лозим, айтмоқчиманки, ижодкорларимиз кўп бўлсин, элим, юртим деб яшасин, замонаг муносиб ижод қилсин, дея таъкидлади.

— Биз ХХ аср ўзбек адабиётини Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулум, Ойбек каби мумтоз адилбарсиз, замонавий адабиётимизни Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов сингари ижодкорларсиз тасаввур эта олмаганимиздек, — деди Президент, — маънавий келажагимиз, фаровон ва буюк истиқболимизни Абдулла Ори-

пов ижодисиз ҳам кўз олдимизга келтира олмаймиз. Ҳозирги даврда ҳам унинг шеърлари халқимизни адолат тантанаси, ёруғ келажакка ишонч руҳида тарбиялайдиган юксак маънавий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари сўзининг ниҳоясида Абдулла Ориповга эсдалик совғаларини топширди.

Қабул маросимида сеvimли шоиримиз сўзга чиқиб, кўрсатилган улкан эҳтиром учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдирди.

— Инсон яралибдики, бахт нима деган саволга жавоб излайди, — деди Абдулла Орипов. — Менинг бахтим мана шу хуррият замонини кўриш натижасида, деб биламан. Бугун менга билдирилаётган ҳурмат-эҳтиромни адабиётимиз, бутун маданиятимиз намояндаларига кўрсатилаётган эътибор рамзи деб қабул қиламан.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг 60 йиллик таваллуд тўйига бағишланган тантанали кеча 23 март куни «Туркистон» саройида бўлиб ўтди.

(ЎЗА).  
**Муҳаммад АМИН (ЎЗА)**  
олган сурат.

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

**Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан захирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида**

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан захирага бўшатилинсин.
2. 1974-1983 йилларда туғилган, чақириқ муддати-ни узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари 2001 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

**И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2001 йил 23 март.



## ЛАТИФ БИР БАЙРАМ КЕЗАР БУ ОНА ЮРТДА

**Наврўз умумхалқ байрами вилоятимиздаги ҳар бир шаҳар ва туманда, кент ва қишлоқларда, ҳар бир хонадонда алоҳида кўтаринкилик билан нишонланди**

Она заманимизда Наврўз кезиб юрибди. Табиатдаги яшариш жамиятдаги янгиликларга пайваста эканлиги, унга янги куч бағишлаётганлиги шу байрам кунлари яққол кўзга ташланмоқда. Халқимизнинг бу қадимий ва қадри байрами мустақиллигимизнинг қутлуғ ўнинчи йилига алоҳида бир кўтаринкилик, улкан яратувчилик жараёнларига эзгу бир жўшқинлик бағишлаб кириб келди.

Фасллар келинчаги — баҳорги гулгулик, яшиллик, нафислик, яшариш ва яшнаш кайфияти ўтган чоршанба куни — Наврўз айёмида мустақил мамлакатимизнинг ҳамма кенту қишлоқларида ҳукм сурди. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий бобомизнинг табаррук номлари билан аталувчи Ўзбе-

кистон миллий боғи тантаналарнинг бош майдонига айланди. Олис Қорақалпоқ эли, Хоразм диёридан тортиб, Сурхонху Қашқадарё, Зарафшон воҳаси, Сирдарё бўйлари, Фарғона водийсидан етиб келган халқ санъаткорлари, ҳаваскор ижрочилар, оқину

(Давоми 2-бетда).

### Бугунги сонда:

**1-бет** **Наврўз** — хайрли байрам... Келинг, кўллари дуога очайлик. Бугунги дуолар, **шу бағримўл давралардаги тилаклар, албатта, вожиб бўлгуси...**

**3-бет** **Эҳтиёткорлик соғлиққа фойда**  
Ҳамдўстлик давлатларининг айримларида **оқсил бўйича эпизоотик вазият кескинлашиши**, унинг мамлакатимиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалиши хавфини кучайтирмоқда.

**6-бет** **Маънавият**  
Одамларимизга маърифат улашиш бизнинг асосий ишимиз экан, буни ҳар қандай шароитда удаламоғимиз шартдир.

**7-бет** **Олам ҳафта ичида:**  
**Футбол** учун ўзининг бор-йўғини фидо қилган **Диего Марадонанинг** зафарли йўли фожиали тугади.

**8-бет** «Болам, сен пулнинг кетидан қувма, одамларнинг олқилишини ол, халқнинг дуоси сени ҳеч қачон куруқ қўймайди», деган эди **Маҳмуджон Азимов**нинг отаси.

# ЯНГИЙЎЛ ҚОҒОЗИ

## Наврўз иншоотлари

**ЯНГИЙЎЛ ЦЕЛЛЮЛОЗА-ҚОҒОЗ ФАБРИКАСИ** – бундан буён вилоятимиз саноят корхоналари қаторига шундай деб аталадиган яна бир ишлаб чиқариш тизими қўшилди. У оддий эмас, халқ хўжалигимиз учун жуда асқотадиган корхона. Унинг қуриб битказилиши ва ишга тушишини сабрсизлик билан кутилгани ҳам бежиз эмас. У республикамизда барпо этилаётган бу янги саноят тармоғининг етакчи корхоналаридан бири бўлиб қолади.



«Ўзбекқоғози» акциядорлик жамияти таркибида барпо этилган бу корхонанинг «Наврўз» байрами арафасида ишга тушиши катта тантанга айланди. Унда сўзга чиққан нотиклар корхонанинг иқтисодийтаги аҳамиятини таърифлар эканлар, ҳозирги вақтда четдан олиб келинаётган қоғозни шу ерда ишлаб чиқариш ўзлаштирилиши, бу билан кўп миқдордаги валюта тежаб қолиниши, у тўла ишга тушгач, ўз маҳсулотини экспорт қилиши мумкинлигини алоҳида таъкидладилар.

Ноёб корхонани барпо қилишда «Тошвилқурилиш» бирлашмасига қарашли 100-механизациялашган кўчма жамлама бинокорлари фидокорона меҳнат қилдилар. Бундай корхона Мустақил Давлатлар Хамдўстлигига қирувчи мамлакатлар ичида Россиядан кейин фақат Янгийўлда барпо этилди.

Фабрика тўла қувват билан ишлаб бoшласа, йилига 12,5 минг тонна ёзув қоғози ва 20 минг тонна целлюлоза ишлаб чиқарадиган бўлади. Ишловчилар сони 350 кишига етади. Натижада республикамизнинг ёзув қоғозига нисбатан талабини анча қондириш имкони туғилади. Чунки, бу маҳсулот фақат ички бозор эҳтиёжларига етказиб бериллади. Линт хом ашёси асосида тайёрланадиган целлюлозанинг эса асосий қисми чет элларга экспорт қилинади.

Корхонани барпо этишда қатор хорижлик фирмалар билан ҳамкорлик қилинди. Целлюлоза ишлаб чиқариш учун зарур асбоб-ускуналар Франциянинг «Клекстраль» фирмасидан келтирилди. Қоғоз ишлаб чиқариш цехи эса Олмониянинг «Аппа» фирмаси орқали Чехиядан олиб келинган машина-механизмлар билан ускуналанди. Целлюлоза ишлаб чиқариш жараёнлари 100 фоиз автоматлаштирилган. Уни ҳар сменада беш нафар мутахассис бошқаради.

Фабрикада ишлайдиган ходимлар Тошкент қоғоз комбинатида тайёргарликдан ўтишди. Етакчи ишчилардан бўлган 50 киши бу ерда қоғоз ва целлюлоза ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган асбоб-ускуналарни ишлатишни ўргандилар ва корхонада танлаган касблари бўйича иш бошладилар.

Корхона очилиши маросимида республика Бош вазирининг ўринбосарлари М. Усмонов, А. Исаев, вилоят ҳокими У. Мирзақулов иштирок этди.

**СУРАТЛАРДА:** фабрикани барпо этишда ҳамкорлик қилган фирмалар ходимлари — чет эллик технолог *Алаин Майо* (юқорида, чандан) *лойиҳа директори Дидье Тебикс*, *монтаж ишлари раҳбари Эрве Ите* — *Пралар*; *смена бошлиғи Абдумалик Холмирзаев* (пастда, чандан) ва *ишчи Абдусайд Ўролтоев* янги маҳсулотни кўздан кечирмоқдалар.

## КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛЛАРИ ЎҚУВИ

**ТОШКЕНТ** Давлат агарар университетиде вилоят туманлари касабаси уюшмалари кўмиталари раислари, уларнинг ўринбосарлари, бош ҳисобчи ва йўриқчиларининг ўқуви бўлиб ўтди.

ВИЛОЯТ деҳқончилик-саноят мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси кўмитаси раиси Бахтиёр Халилов ўқув машғулотларини касабаси уюшмаларининг бугунги кундаги асосий вазибалари ва ҳозирги босқичдаги ҳаракат дастурлари ҳақидаги қисқача маъруза билан очди. Агар университетнинг макроиктисодий кафедраси мудири Йўлдош Комилов, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиғи бошқармаси молия бўлими мудири Ашур Тулепов, вилоят меҳнат, бандлик ва аҳоли ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси бошлиғи Турсумат Холбоев, Ўзбекистон касабаси уюшмалари федерацияси кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Вали Қўчқоров ва бошқалар республикадаги иқтисодий аҳвол ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш борасида ҳукумат томонидан кўрилатган амалий чора-тадбирлар, вилоятда илоҳотларнинг бориши, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунчилиғига риоя этиш, жамоа шартномалари ва битимларининг аҳамияти, молия ва соғломлаштириш, меҳнат муҳофазаси, маданият ва спорт ишлари ҳамда касабаси уюшмалари кўмиталарининг ташкилий ишлари мавзуларида маърузалар ўқидилар.

Ўқиш дастурида касабаси уюшмаларида янги молиявий сиёсат, касабаси уюшмаси бюджетининг шаклланиши, сарф-харажатларнинг асосий негизлари, меҳнатқашлар ва улар оила аъзоларининг дам олишини таъминлаш, тафтиш комиссиялари олиб борадиган ишларга, айниқса, кенг ўрин берилди. Маърузалар давомида тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан малакали жавоб олдилар.

Ўз мухбиримиздан.

# ЛАТИФ БИР БАЙРАМ КЕЗАР БУ ОНА ЮРТДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

жарчилар байрамга алоҳида руҳ бағишладди.

Миллий боғдаги тантаналарда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов халқимизни еру кўкни яшнатиб, бепоен далаларимизни, қиру адрларимизни илиқ заррин нурлари билан гул-гул очиб юборган Наврўз байрами билан муборакбод этди. «Бу дунёда бир-биридан гўзал, бир-биридан ажойиб байрамлар кўп, — деди Юртбошимиз. — Лекин Наврўз айёми бекиёс файзу таровати, кўрку салобати, маъно-мазмун билан алоҳида ажралиб туради».

Шу аснода Миллий боғда янграган қўша-қўша карнай-сурнайларнинг садолари «зангори экранлар» орқали бутун Турон заминида, сунъий йўлдошлар орқали дунёнинг кўплаб мамлакатларида акс садо берди. Шу садолар остида байрам шодиёналари Тошкент вилоятининг олис-яқин шаҳару қишлоқларига кўчди. Ангреннинг «Кимёгар» ўйингоҳида Наврўз умумхалқ сайили уюштирилди. Қайта таъмирланиб, янгича бир жўшқинлик касб этиб бораётган Буюк Ипак йўли бўйидаги бу саноят шаҳрида 80 миллат ва элат вакиллари, бир оила — мустақил Ўзбекистон фарзандлари ўз меҳнатлари билан мамлакатимизнинг кончилиги ва кимё санояти ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Олмаликдаги «Металлург» спорт мажмуи ва боғ Наврўзни байрамона қиёфада кутиб олди. Шўх ўзбек лапарлари гоҳи майин, гоҳи ўйноқи рус халқ

қўшиқларига, тартар-бошқирд айтишувларига уланди. Баҳор неъматлари — ҳалим, сумалак тортилган дастурхонлар атрофида турли тилларда дил изҳорлари айтилди. Оҳангарон шаҳри ва тумани аҳолиси қир ва адрларни тўлдириб байрам қилди. Пскент ва Бўка халқи катта-катта майдонлар, қадимий сайилгоҳлар — муқаддас тепалардаги сайиллар чоғида бугунги эркин-эмин ҳаётимиз, тинчлик ва барқарорлигимизга шукроналар айтди. Ҳазалкентдан бошлаб, Чирчиқбўйи туман ва кентларида бу Наврўз ниҳоятда шуқуҳли кечди. Йирик саноят шаҳри — Чирчиқда каттаю кичик истироҳат боғини тўлдирди. Ўйинкулгу, сурурли суҳбатлар ҳаммага зўр қувонч бағишлади. Тинч осмон бўйлаб чақнаган қуёш ҳам ҳеч қачон шу кунгидек эл шодлиғи, юрт тинчлиғи, ўлка ободлиғига гувоҳ бўлмаган эди.

Бўзсув бўйидаги Эшонгузар рўйи азалдан шу Наврўз кунгидек хушбахт ва хушвақт бир сайилни кўрмаган эди. Ҳали тонг рангинлиги бошланмасдан туриб Зангиота туманининг олис-яқин қишлоқларидан келаётган байрамона руҳ, байрамона тусдаги одамлар марказий боғ, бош ўйингоҳ ва катта йўлни тўлдирди. Қишлоқлар, маҳаллаларнинг оқсоқоллари, каттаю кичик раҳбарлар, фаоллар гурас-гурас келиб турган одамларни кўллари



кўксиларида, гулгун чехралар билан кутиб олишар, тўкин дастурхонларга таклиф қилиб, иссиқ-иссиқ нонларни ушатишар, бир пиёла қайноқ чой тутишарди. Дошқозонлар осилиб, байрам қатнашчиларига наҳор оши тортилди.

Туман ҳокими Ҳасан Нурматов йиғилганларни Янги йил — Наврўз умумхалқ байрами билан қутлаб, ўз мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган озод ва обод Ўзбекистонда бу қадим айём осойишталик, миллатлараро тотувлик, озод меҳнат тимсолларида янги бир жозоба, мазмун ва моҳият касб этганини таъкидлади. Ҳамма-ҳаммага соғлиқ, элга омонлик, бахтли келажак сари барча саъй-ҳаракатларда муваффақият тилади.

Шундан кейин марказий боғ саҳни бамисоли улкан бир сахнага айланди. Бахт-иқбол, ҳурлик ва эркинлик, озод меҳнат ва умидли истиқбол ҳақида қўшиқлар янгради. Раққосалар давра-

ларга шуқуҳли бир завқ бағишладди. Ёш боксчилар, курашчилар, таэквондочиларнинг намунавий беллашувлари, косиб ва хунармандларнинг кўргазмалари, ранго-ранг варрақлар намойишини-ку, қўяверасиз. Бир томонда хўрозлар «жанги», нарироқда — болақайлар қувлашмачоғи.

Марказий боғ ва ўйингоҳни ёнлаб тикланган муваққат шийпонларда меҳмоннавозлик. Қатортол ва Хонобод, Эркин ва Иттифок... қишлоқларининг фуқаролар йиғинлари раислари Абдусаттор Азимов, Илҳом Жўраев, Тошхўжа Иброҳимов, Аҳмаджон Усмонов... лар дилгир хизматда. Сабзавоткорлар ва чорвадорлар, ўқитувчилар ва қурувчилар, боғбонлар ва резаворчилар, тадбиркорлар ва яқна хунармандлар — бутун эл ўйнаб-қуляпти.

**Абдулла БОБОЕВ,**  
**шифокор:**

— Шу ёшга кириб бунақанги байрамни кўрмаганман. Эркинлигимиз, тинчлигимиз неъматини бу **Илҳом БЕГМАТОВ, Қаҳрамон маҳалла оқсоқоли:**

— Бизнинг «Эркин» ширкат хўжалигимиз 200 гектар майдонда мўл бугдоғи етиштираяпти. Сабзавот экишга киришдик. Фермада 800 бош чорва молимиз бор. Баҳор келиб, сут соғими ошяпти. Бугунги байрам шу меҳнатларимиз наҳидаси.

**Зоиржон НИЁЗОВ, Акмал Икромов номли жамоа хўжалиғи раиси:**

— Биз бу йилги байрамга алоҳида тараддуд кўрдик. Ота-бола Маъруф ва Мансур Маждидовлар уч дошқозонда ҳалим тайёрлашган. Қани бу томонга, дастурхонга марҳамат!

**Мирза АҲМЕДОВ,**  
**«Нуроний» жамғармаси**

**туман кенгашининг раиси:**

— Наврўз — хайрли байрам. Ана қаранг: фахрийларимиз тўрда, йигит-қизлар уларга хизматда. Қўллар дуога очилган. Бугунги дуолар, шу бағримўл давралардаги тилақлар албатта вожиб бўлғуси...

Бекобод металлургиялари, шу Сирбўйи туманининг меҳнат аҳли ҳам байрамни муборак шукроналик билан нишонлади. Янгийўл шаҳри ва туманида, Чиноз томонларида ҳам байрам шодиёналари кечгача давом этди. Паркент ва Қибрай боғларида халқ шодиёналарининг авжи сарбаланд бўлди. Наврўз ҳар бир дилга эзгулик, бағрикенглик, саховатпешалик, тинчлик тимсоли сифатида жо бўлди шу кун.

... Ким билан суҳбатлашмайлик, тил бурро, дил очик, кўкси тоғ. Шу эмин кайфият бу юртдан асло аримасин. Ҳаммамиз шундай турмушнинг барқарорлиғи учун меҳнат қилиб, излаб-излашиб яшайверайлик. Осмонимизда шу баҳорий қуёш ҳаммаша ярқираб турсаверин.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**  
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

· **СУРАТДА:** Зангиота туманида Наврўз тантанасидан лавҳа.

**Даврон АҲМЕДОВ олган суратлар.**



## ПЛЁНКА ОСТИГА ЧИГИТ ҚАДАЛДИ

БУ ЙИЛ вилояти-мизда 30 минг гектар майдонда плёнка остида пахта етиштириш режалаштирилган. Айни кунларда иқлим ва тупроқ шароитига қараб, қумлоқ ерларда плёнка остига чигит экишга киришилди.



Шу сонга

ЎРТАЧИРЧИҚ тумани пахтакорлари ўтган йили режани удалолмай, доғда қолдилар. Бундан тегишли хулоса чиқариш мақсадида ўтган мавсумда йўл қўйилган ҳато ва камчиликлар атрофлича таҳлил этилиб, қўшимча чора-тадбирлар белгилаб олинди. Жумладан, бу йил чигитни мақбул муддатларда тез ва сифатли экиб олишга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилди.

Туманимизда бу йил 2186 гектар майдонга чигитни плёнка остига экиш мўлжалланган, — дейди марказий машина-трактор парки директори Тошпўлат Шукурхонов. — Шу мақсадда Андижон вилоятидан келтирилган 43та маҳсус сеялка хўжаликларга тақсимланиб, чигит экиш бошлаб юборилди. Узилишларга йўл қўймаслик учун паркимизда экиш агрегатларига вақтида техник хизмат кўрсатиб борадиган тезкор гуруҳлар ташкил этилди. Бундан ташқари, барча хўжалик ва фермерларнинг техникалари учун керагича эҳтиёт қисмлар етказиб бердик.

«Қайтмас» ширкат хўжалиги пахтакорлари плёнка остига чигит экишни туманда биринчилар қатори бошладилар.

Наврўз байрами арафасида хўжаликнинг барча оилавий пудратчилари Йўлчибой Эргашев бошлиқ бригада даласига йиғилдилар.

— Пудратчиларимиз ерларни ҳар қачонгидан ҳам сифатли тайёрлашдан ташқари ўзларига тегишли майдонларни бегона ўтлар илдизларидан ҳам тозалаб қўйдилар, — дейди бошқарув раиси Исмоил Қурбонқулов. — Уларнинг мақсадлари плёнка остига чигит экилган майдонлардан камида 35 центнердан ҳосил олиш. Ҳозир иккита маҳсус сеялка ҳар куни юксак унум билан ишлатилмоқда.

Айни кунларда вилоятимиздаги бошқа хўжаликларда ҳам плёнка остига чигит экиш қизғин бошлаб юборилди.

**Пардабой ЭРГАШЕВ.**

**СУРАТДА:** (чапдан) Янгийўл туманидаги Н. Ниёзов номи ширкат хўжалиги пудратчиси Нормат Ўтбосаров, бош ҳосилот Абдумутал Эминов ва бригада бошлиғи Мирзаназар Умрзоқов плёнка остига чигит экиш сифатини кўздан кечирмоқдалар.

**Даврон АХМАД олган сурат.**

## «Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

### «КАТТА ЙЎЛДАГИ ҚАЛЛОБЛИК»



Газетамизнинг шу йил 24 январь сонида босилган «Катта йўлдаги қаллоблик» мақоласида Катта Ўзбекистон йўлининг Чиноз Давлат автомобиль назорати (ДАН) постида пойтахт томон келаётган автомашиналарни санитария текширувидан ўтказиш жараёнида йўл қўйилаётган камчиликлар танқид қилинган эди.

Мазкур мақола юзасидан вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳамда «Жамол-Хумоюн» масъулияти челанган жамиятидан жавоб хатлари олинди.

— «КАТТА йўлдаги қаллоблик» мақоласи вилоят Ички ишлар бошқармаси раҳбарияти томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва бу борада қуйдагиларни маълум қилдимиз, — дейилди вилоят ИИБдан олинган жавоб хатида.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 1998 йилнинг 14 октябрь куни берилган 10-сонли рухсатномага асосан «Жамол-Хумоюн» масъулияти челанган жамияти ходимлари маулқилик шаклидан қатъий назар, барча турдаги енгил, юк, йўловчи ташиш автотранспортларида санитария нормалари, гигиена талабларини амалга ошириш мақсадида вилоят ҳудудига четдан кириб келаётган автотранспортларга ДАН масканларида тиббий ишлов бериш — дезинфекция ишларини олиб боришга рухсат этилган ва бу амалга ошириб келинган. Мақолада келтирилган ҳолатларни қўшимча равишда ўрганиб чиқиш мақсадида «Жамол-Хумоюн» масъулияти челанган жамиятининг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди. Вилоят ИИБ ДАН ходимларига бу борада тегишли кўрсатма берилди.

Шунингдек, «Жамол-Хумоюн» масъулияти челанган жамияти раҳбарияти томонидан юборилган жавоб хатида юқоридагилар таъкидланган ҳолда қуйдагилар илова қилинди.

— Ички ишлар бошқармасининг Тошкент вилояти ДАН бошлиғи билан ўзаро ҳамкор-

ликда 8-сонли шартнома тузилган. Шартномага асосан постларда ва блок постларда тиббий профилактик хизмат кўрсатишимизга ДАН ходимлари ёрдам бериб туришлари кўзда тутилган.

ДАН масканларидаги фаолиятимиз учун жамиятимиз ҳисоб рақамидан ишчилар учун керакли бўлган дори-дармонлар, иш анжомлари ва ойлик маош ажратилишини ва биз билан ҳамкорлик қилиб келаётган барча идораларга фойзаларга ўтказилишини ҳисобга олиб, бир мартаба тиббий ишлов учун хизмат ҳақи ҳозирги кунда 200 сўм қилиб белгиланган.

Афсуски, юқорида қонун асосида белгиланган вазибаларни бажаришимизда жамиятимизнинг айрим ходимлари томонидан масъулиятсизлик ва совуққонликка йўл қўйилган. Хусусан, мақолада таъкидланганидек, мижозларга қонуний ҳужжатларни кўрсатмайдиган, қўпол муомала қиладиган ходимлар ҳам орамизда бор, албатта.

Ана шундай масъулиятсиз ходимлардан бири — Дилфуза Пўлатова иш шартномасида кўрсатилган бир қатор мажбуриятларни талаб даражасида бажармай, зиммасига юклатилган вазибаларга совуққонлик билан қараганлиги учун унга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди ва ишдан четлатилди, барча ходимлар огоҳлантирилди. Тиббий хизмат учун патталар ва муҳрлар лотин алифбосида тайёрлаш учун босмаҳонага топширилди.

## Ташаббус

### ШУНДАЙ ИНСОНЛАР БОР БЎЛСИН

Шу кутлуг Наврўз кунлари Кибрай томонларида ажойиб бир саяҳат авж олиб бораёпти. 2001 йилнинг «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинганлиги бу ҳаракатга қанот бағишлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оналар ва болалар йили» давлат дастури тўғрисидаги қарорига асосан туманда болалар боғчалари, мактаб, касалхоналарни хашар йўли билан таъмирлаш ҳаракати бошланди. Фарзандлари соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етишини орзу қилган инсон борки, тобора кенг тус олиб бораётган бу ҳаракатта камарбаста.

Туман фаоллари йиғилишида яқдил қабул қилинган уруш ва меҳнат фахрийларининг бу савоб ишга бош қўшишга чорловчи муружаатномасига даставвал туман хўжаликларининг жамоалари «лаббай» деб жавоб беришди. Биринчилардан бўлиб «Кибрай» ширкат хўжалиги боғча, мактаб ва касалхоналарни таъмирлаш жамғармасига 15 миллион сўм маблағ ажратди. Ризамат Мусамухамедов номли хўжалик — 11, «Байтўрғон» — 6, Туроб Нормухамедов номли хўжалик — 5, «Турон» — 3 миллион сўм маблағ ўтказишга қарор қилди. «Дўрмон» — 6-мактаб, «Маданият» — 32-мактаб учун бинолар қурилишини поёнига етказишни ўз зиммаларига олишди. Бу савоб ишдан тадбиркорлар ва хунармандлар, саҳоватпеша барча инсонлар четда қолишмаётир. Умуман, қисқа муддатда 92 миллион сўм маблағ тўпланиб, кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди.

Ўз мухбиримиздан.

**ЎЗБЕКИСТОН Республикаси 1993 йилда Халқаро эпизоотик бюро аъзоси давлатлари қаторига қабул қилинганидан буён барча минтақаларда ўта хавfli юқумли касалликлар тўғрисидаги ахборотлар ўрганиб келинмоқда. Республикамиз ҳудудини юқумли касалликлардан ҳимоялаш борасида ягона давлат ветеринария хизмати ташкил этилган.**

Ўта хавfli юқумли касалликлардан бири бўлган оқсил (яшур) тўғрисида Халқаро эпизоотик бюро берган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, охириги йилларда у ер юзининг барча минтақаларида кенг тарқалиб, эпизоотик вазият панзоотия ҳолатига ўтмоқда. Республика ҳукумати томонидан ушбу ҳолат тўғри баҳоланиб, касалликнинг тарқалиши оқибатида етказилади дини оқибати зарарнинг олдини олиш бўйича барча чора-тадбирлар кўриляпти.

Охириги йилларда Ҳамдўстлик давлатларининг айримларида оқсил бўйича эпизоотик вазият кескинлашиши унинг мамлакатимиз ҳудудига кириб келиши ва тарқалиши хавфини қучайтирмоқда. Эпизоотик ҳолатнинг барқарорлигига хавф солаётган оқсил касаллиги кириб келишининг олдини олиш мақсадида Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 апрелдаги маҳсус фармойиши эълон қилинди. Ушбу фармойишнинг ижросига бағишлаб, шу йил 15 март куни «Одамлар ва ҳайвонларнинг ўта хавfli юқумли касалликларининг олдини олиш» мавзусида мутасадди вазирликлар вакилларининг йиғилиши ўтказилди. Унда бугунги кундаги Буюк Британия, Хитой ва бир қатор Европа давлатлари, Марказий Осиё республикаларидаги оқсил касаллиги бўйича эпизоотик вазиятнинг мамлакат иқтисодига етказётган зарари

ўрганилиб, бу талофатларни бизнинг мамлакатимизга келтирмаслик чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Бу масалада тегишли ташкилотларга алоҳида кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Иқтисодий ислохотлар жараёнида чорвачиликнинг ривожланиб бориши натижасида ушбу соҳада мулкчилик шакли ўзгариб, кўплаб хўжалик фермалари хусусийлаштирилиши билан бир қаторда, фермер хўжаликлари сони ортмоқда. Чорва молларининг асосий салмоғи аҳоли қарамоғига ўтмоқда. Чорвачилик маҳсулотлари ва озуқаларни қайта ишлайдиган кичик корхоналар, тадбиркор ва ишбилармонлар кўпаймоқда. Бу ҳолат ветеринария хизмати талаб даражасида ташкил этишни мураккаблаштириб, хизмат фаолиятини тубдан ўзгартиришни талаб этмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги Қонунига асосан ягона давлат ветеринария назорати ташкил этилиб, унинг 18-моддасига мувофиқ ҳар бир мол эгаси инсон ва ҳайвонот саломатлигига таъсир этувчи хавfli касаллик келиб чиқишига йўл қўймаслиги, сифатли ва зарарсиз чорвачилик маҳсулотлари етиштириш учун ветеринария-санитария қоидаларига тўлиқ риоя этиб, керакли профилактик тадбирларни ўтказиш ва ўз ҳисобидан дори-дармонларни эҳтиёжга яраша харид қилиши зарур.

Мулкчилик шакли ва қайси идорага мансублигидан қатъий назар барча хўжалик раҳбарлари

ва хонадон эгалари ўз қарамоғларидаги оқсил касаллигига мойил ҳайвонларни касалликдан ҳимоялаш учун қуйдагиларни бажаришлари шарт.

Туман ҳудудидан ташқарига барча турдаги ҳайвонларнинг чиқиши, гўшт, сут ва уларни қайта ишлашдан олинандиган маҳсулотларни, шунингдек, жун, териларни вилоят ветеринария бошқармаси рухсатсиз келтириш ёки олиб чиқиш алоҳида кўрсатма бўлгунга қадар тўхтатилади.

Барча деҳқон ва мол бозорларида, сўйиш жойларида чорвачилик маҳсулотларини сотишнинг ветеринария-санитария талабларига тўлиқ амал қилиниши зарур. Тегишли ветеринария ҳужжатларисиз чорвачилик маҳсулоти билан савдо қилиш ҳолларида айбдорлар жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Туман ҳудудидаги чегара постлари, чорвачилик фермалари мол бозорларида дезобарьерлар, дезомат, дезоголамчалар ташкил қилишлари, чорва молларини доимий ветеринария мутахассисининг клиник текширувидан ўтказишни йўлга қўйишлари шарт.

Тошкент вилояти Ўзбекистон Республикасининг шарқий дарвоза қисмида жойлашган бўлиб, бир қатор қўшни республикалар

билан чегарадош, яъни ташқи чегара доирасида 885 километрни ташкил этади. Ҳамдўстлик ва чет давлатлари билан вилоятимиз ҳудудидан ўтади. Бу вазият вилоят ветеринария хизматини ташкил этиш, яъни эпизоотик барқарорликни таъминлашга ўта масъулият билан ёндошишни талаб этади.

Бундан ташқари 286 минг аҳоли хонадонидан парваришланаётган 306 минг бош қорамол, 315 минг бош майда мол ва бошқа турдаги ҳайвонларнинг миграцияси (ҳаракати), яъни оқсил касаллиги бўйича вазиятнинг ҳозирги кундаги аҳолида яйловларга ҳайдаб боқиш, дала ҳовлиларга олиб бориш ҳолатларини тўхтатиш зарур. Ветеринария кўригидан ўтказилмаган ва маҳсус ҳиҷозланмаган жойларда яъни хонадонларда чорва молларини сўйиш ва гўшт маҳсулотларини ветеринария экспертизаси хулосасини олмай истеъмол қилиш таъқиқланади.

**Муҳаббат ОРИФЖОНОВА,**  
вилоят давлат  
ветеринария бошқармаси  
бошлиғи.

## Долзарб мавзу

# ОҚСИЛ КАСАЛЛИГИГА БЕПАРВО БЎЛМАНГ



## DUSHANBA

26

**«Ўзбекистон» телеканал**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.45 «Тахлилнома».

8.45, 17.55 ТВ-маркет.  
8.50 «Ўзбектефильм» намойиши: «Шарқ зарчашмаси».

9.05 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Меҳр нури ёғар доим». Муסיкий дастур.

9.35, 11.35 ТВ-метео.  
9.40 «Саккизоёқчалар». Мультфильм.

9.50 «Ранглар жилоси».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар **Болаларнинг таътил кунларида:**  
10.05 «Олтин тож». Телевизион уйин.

10.25 Болалар экрани: «Қиммат бола». Бадий фильм.

11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.

12.05 «Олам футбол».

12.35 «Суюнчи ёки йил боши». Видеофильм. 1-қисм.

13.45 ТВ-1 намойиш этади:

14.10 «Олам». Телеальманах.

14.50 «Қишлоқ ҳаёти».

15.05 «Даврани кенгрок олинг». Муסיкий дастур.

15.40 «Биз билган, билмаган тарих».

16.10 «Кичик дўстлар саргузаштлари». Мультфильм.

16.45 Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги. 1/8 финал. «Насаф» (Карши) - «Навбахор» (Наманган). 2-тайм.

17.30 Экранда - телесериал. «Индаба».

18.10 Болалар учун. «Хикматлар хазинаси».

18.25 «Тафсилот».

18.40 Бир жуфт кўшиқ.

18.50 «Бахтли воқеа». Телелотерея.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 «Биржа ва банк хабарлари».

20.30 «Ахборот».

21.05 «Барҳаёт наволар». Таваккал Қодиров.

21.40 «Парламент вақти».

22.00 «Бобур изидан». Видеофильм. 1-қисм.

22.20 «Тошкент йўлбарси». Каратэ бўйича турнир.

22.40 «Ўзбектефильм» намойиши: «Бойсун».

23.00 «Ахборот».

23.35 Тунги сеанс. «Телевизорни ўчиришни унутманг». Бадий фильм.

00.50-00.55 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканал**

11.55 Кўрсатувлар дастури.

12.00 «Давр». Ҳафта ичида».

12.40, 14.40 Муסיкий лаҳзалар.

12.50 Саломат бўлинг.

13.20 Ёшлар овози.

13.40 Манзур.

14.00 «Олтин мерос».

14.05 Автосалтанат.

14.20 Дошқозонда сумалак.

14.50 Жаҳон жуғрофияси «Окаланго».

15.40 Наврўз наволари.

16.00 «Императорнинг махфий фармони». Бадий фильм (Хитой)

17.25 Спорт ҳафтано-маси.

17.40 Кўрсатувлар дастури.

17.45 «Янги авлод» почтаси.

18.05 «Камолот».

Хаваскорлар телетанлови.

18.25 Ўзбегим кураши.

18.45 «Оқшом наволари».

18.55, 21.55 «Иқлим».

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.

19.35 «Меҳр кўзда».

Муסיкий дастур.

20.05 «Ёшлар овози».

20.25, 21.20, 22.30 Эълонлар

20.30 ЎзТВ хазинасидан «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 1-қисм.

21.25 Муסיкий лаҳзалар.

21.30 «Бир пиёла чой устида».

21.50 Олтин мерос.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.

22.40 Кинематография санъати бўйича «Оскар» мукофотининг 2001 йил тақдироти маросими.

0.10 «Давр». Ахборот дастури.

0.25-0.30 «Хайрли тун».

**«Тошкент» телеканал**

18.00 Кўрсатувлар тартиби.

18.05 Мультфильм.

18.15 «Халқ саломатлиги йўлида».

18.30, 20.00, 21.30, 23.10 «Пойтахт».

Ахборот дастури.

18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

19.35 «Эҳтиром ила».

20.25 «Табриклаймиз, кутлаймиз».

21.10, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.

21.55 «Авто-news».

22.30 ТТВда сериал: «Селеста».

23.35 Оҳанглар ва эълонлар.

23.40 Кинонигоҳ. «Қайта кўриш».

00.50-00.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

**«Халқаро» телеканал**

РЖТ 7.00-9.00

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ

16.00 Кўрсатувлар тартиби.

16.05 FCN «Ўзбекистон

янгиликлари» (инглиз тилида)

16.15 «Мультчархпалак».

16.30 «Вести».

17.00 «Морена Клара». Сериал.

17.50 «Япония спорти».

18.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

18.15 «Дунё мамлакатлари».

18.35 «Клип-антракт».

18.45 «Мени кутгил».

19.40 «Ким миллионер бўлишни истади?» Телеуйин.

20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»

21.00 «Время».

21.50 «Бизнес-ревью».

22.15 «Бебилисха пуллари». Сериал.

23.10 «ТВ-4да Немис тўлкини».

23.25 Кинематограф. «Вулкон». Бадий фильм.

00.45 «Ахборот» (рус тилида)

1.10 «Тунингиз осуда бўлсин».

## SESHANBA

27

**«Ўзбекистон» телеканал**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ-маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

8.55 «Наво таралсин». Муסיкий дастур.

9.20 «Ўзбектефильм» намойиши: «Бухоро».

9.35, 12.25 ТВ-метео.

9.40 «Шарқнинг машҳур аёллари».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар **Болаларнинг таътил кунларида:**  
10.05 «Мио, болагинам Мио». Бадий фильм.

11.40 «Бешбармоқ». Тележурнал.

12.05 «Тошкент йўлбарси». Каратэ бўйича турнир.

12.30 «Муҳаббат соғинчи». Муסיкий композиция.

13.00 «Суюнчи ёки

йил боши». Видеофильм. 2-қисм.

13.50 ТВ-анонс.

14.10 «Оламга саёҳат». Киножўрсатув.

14.30 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».

14.50 «Ўзбектефильм» намойиши: «Келажакка интилиб».

15.10 «Қўшиқларимиз Сизга армуғон». Муסיкий дастур.

15.40 «Миллий манфаат».

16.20 «Болаликнинг мовий осмони».

16.45 ТВ-клип.

16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».

18.10 Ойнаи жаҳон тақдироти. «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультфильм премьераси.

18.35 «Ҳамкорлик ришталари».

18.50 ТВ-клип.

18.55 «Орзулар довони».

19.05 «Фермер». Тележурнал.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 «Муסיқа ва театр». Театр кўнига бағишланган байрам сони.

21.45 «Бобур изидан». Видеофильм. 2-қисм.

22.05 «Тошкент йўлбарси». Каратэ бўйича турнир.

22.25 «Саҳна ҳаёти».

23.10 «Ахборот».

23.45 Тунги сеанс «Шоҳ Эдип». Бадий фильм.

1.05-1.10 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканал**

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» почтаси.

9.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.

9.55 Саломатлик сирлари.

10.15, 13.25, 14.45 Муסיкий лаҳзалар.

10.25 Бизнес-академия.

10.45 «Қондорлар». Видеофильм.

11.35 Ёшлар овози.

11.55 «Ёшлар» телеканалда спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.

13.35 ЎзТВ хазинасидан «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 1-қисм.

14.25 Ўзбегим кураши.

14.55 «Кусто команда-сининг сувости саргузаштлари».

Телесериал. 77-қисм.

15.45 Бу мунис лаҳзалар.

16.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.

16.50 Кўрсатувлар дастури.

16.55 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик».

17.15 Мультфильм.

17.35 Таянч.

17.55 Ёшлар қуйлайди.

18.10 Минг бир маслаҳат.

18.30 Авторейд.

18.45 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.

19.35 «Давр»-интервью.

19.50 «Аёл қалби наволари». Нилуфар Саитова.

20.10 Марду майдон.

21.20, 22.30 Эълонлар

20.35 «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 2-қисм.

21.25 Муסיкий лаҳзалар.

21.30 Ёшлар овози.

21.50 Олтин мерос.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.

22.40 «Даллас». Телесериал.

23.25 «Давр». Ахборот дастури.

23.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Снукер бўйича жаҳон чемпионати.

0.20-0.25 «Хайрли тун».

**«Тошкент» телеканал**

18.00 Кўрсатувлар тартиби.

18.05 Мультфильм.

18.15 «Дурдона».

18.30, 20.00, 21.30, 23.25 «Пойтахт».

Ахборот дастури.

18.55 «Сухбатдош».

19.10 «ТВ-плюс».

19.35 «Эҳтиром ила».

20.25 «Табриклаймиз, кутлаймиз».

21.10, 22.25 «Экспресс» телегазетаси.

21.55 «Дорихона эшитида».

22.45 ТТВда сериал: «Селеста».

23.50 Оҳанглар ва эълонлар.

23.55 Кинонигоҳ. «Фаройибот мўъжиза-2».

1.15-1.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

**«Халқаро» телеканал**

РЖТ 7.00-9.00

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ

16.00 Кўрсатувлар тартиби.

16.05

«Мультчархпалак».

16.25 «Клип-антракт».

16.30 «Вести».

17.00 «Морена Клара». Сериал.

17.50 «Самарқанд». Телефильм.

18.00 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

18.10 «Клип-антракт».

18.15 «Кусто команда-сининг барча саёҳатлари». Сериал.

18.45 «Икки роля».

19.30 «Аралаш». Ҳажвий киножурнали.

19.40 «Зарбдор куч-2».

20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»

21.00 «Время».

21.50 «Бизнес-ревью».

21.55 «Бебилисха пуллари». Сериал.

22.50 «Х-спорт».

23.05 Кинематограф. «Тунги воқеа». Бадий фильм.

00.45 «Ахборот» (рус тилида)

1.10 «Тунингиз осуда бўлсин».

## CHORSHANBA

28

**«Ўзбекистон» телеканал**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ-маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

8.55 «Муסיқа ва театр».

9.30 «Озод юрт одамлари». Бадий-публицистик кўрсатув.

9.45, 12.25 ТВ-метео.

9.50 «Тиббиёт одимлари».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар

10.05 Алифбо сабоқлари.

**Болаларнинг таътил кунларида:**  
10.25 «Санъат гунчалари».

10.45 Болалар экрани: «Катта бўлишни хохламайман». Бадий фильм.

11.55 ТВ-анонс.

12.05 «Камолот сари».

**«Спорт» дастури:**  
12.30 «Чемпион билан учрашув».

12.50 «Тошкент йўлбарси». Каратэ бўйича турнир.

13.10 «Олам кўшиққа тўлсин». Муסיкий дастур.

13.50 ТВ-анонс.

14.10 «Эркатой». Бадий видеофильм премьераси. 1-қисм.

14.45 «Остонаси тиллодан».

15.10 «Деярли рўй-рост воқеа». Мультфильм.

15.20 «Мурувват».

15.40 «Навоий ҳақида ривоятлар». Телевизион театр. 1-қисм.

16.25 «Кувнок стартлар». Телемусобақа.

17.05 ТВ-клип.

17.15 «Бинокор».

17.30 Экранда - телесериал. «Индаба».

18.10 Болалар учун. «Кўзумчоқ».

18.35 «Иқтисод ва биз».

18.45 «Аёл дунёни тебратар». Бадий-публицистик кўрсатув.

19.05 «Инсон ва қонун».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.55 Эълонлар

19.30 Ахборот

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 Юзма-юз.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Санъатга бахшида умр». Ўзбекистон халқ артисти Тамарахоним таваллудининг 95 йиллигига.

21.35 «Долзарб мавзу».

21.50 «Бобур изидан». Видеофильм. 3-қисм.

22.10 «Миллионлар ўйини».

22.30 «Замонамизнинг ёш қахрамонлари».

23.00 «Олам». Телеальманах.

23.40 «Ахборот».

00.15 Тунги сеанс: «Тўй айбдор». Бадий фильм.

1.30-1.35 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканал**

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Келинг, танишайлик».

9.35 «2000 йилдан сўнг» телесериал.

9.55, 11.45, 15.00 Муסיкий лаҳзалар.

10.05 «Давр»-интервью.

10.20 Ёшлар овози.

10.40 Кинотақдим.

11.00 «Даллас». Телесериал.

11.55 Болалар экрани. «Орзулар камалаги».

12.55 Ёшлик кўшиқлари.

13.05 «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 2-қисм.

13.50 «Таянч».

14.10 «Эҳтимол, улар ақлдан озишгандир». Телесериал.

14.35 Хоразм наволари.

14.55 Авторейд.

15.10 «Гулбод ва Хон Феруз». Телевизион бадий фильм. \*\*\*

16.30 Кўрсатувлар дастури.

16.35 «Янги авлод» саёҳати.

16.55 «Мени тушун». Телеуйин.

17.20 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури: «Бонингтон сирли тоғи».

18.10 Ёшлар овози.

18.30 Далил ва шарҳ.

18.45 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.

19.35 «Сийрат».

19.55, 20.55, 22.30 Эълонлар

20.00 Спорт-лото.

20.10 «Очил дастурхон».

20.25 «Ракурс».

20.45 Ёшлик наволари.

21.00 «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 3-қисм.

21.45 Олтин мерос.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.30 Каталог.

22.40 Тунги тароналар ва Эколаш.

22.45 «Даллас». Телесериал.

23.30 «Давр». Ахборот дастури.

23.45 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.

1.15-1.20 Хайрли тун.

**«Тошкент» телеканал**

18.00 Кўрсатувлар тартиби.

18.05 «Биз ва болалар».

18.30, 20.00, 21.30, 23.40 «Пойтахт».

Ахборот дастури.

18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

19.35 «Эҳтиром ила».

20.25 «Табриклаймиз, кутлаймиз».

21.10, 22.40 «Экспресс» телегазетаси.

21.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».

22.15 «Телефакт».

23.00 ТТВда сериал: «Селеста».

00.05 Оҳанглар ва эълонлар.

00.10 Кинонигоҳ. «Ҳамёндаги тўппонча».

1.30-1.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

**«Халқаро» телеканал**

РЖТ 7.00-9.00

15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИНИЕСИ

16.00 Кўрсатувлар тартиби.

16.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз

тилида)

16.15 «Мультчархпалак».

16.30 «Вести».

17.00 «Морена Клара». Сериал.

17.50 «Дунё авиацияси».

18.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

18.15 «Кусто команда-сининг барча саёҳатлари». Сериал.

18.50 «Клип-антракт».

19.00 «Инсон ва қонун».

19.40 «Ким миллионер бўлишни истади?» Телеуйин.

20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»

21.00 «Время».

21.50 «Бизнес-ревью».

22.15 «Бебилисха пуллари». Сериал.

23.10 Кинематограф. «Осмондан тушган фаришталар». Бадий фильм.

00.50 «Ахборот» (рус тилида)

1.15 «Тунингиз осуда бўлсин».

## PAUSHANBA

29

**«Ўзбекистон» телеканал**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ-маркет.

8.40 Газеталар шарҳи.

8.55 «Асалари бўлган экан». Мультфильм.

9.10, 12.30 ТВ-метео.

9.15 «Миллионлар ўйини».

9.35 «Замонамизнинг ёш қахрамонлари».

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар **Болаларнинг таътил кунларида:**  
10.05 Болалар учун. «Кўзумчоқ».

10.30 «Арабелла - қароқчи киз». Бадий

фильм.

11.40 «Сихат-саломатлик почтаси».

12.05 «Бизга аталган кун».

**«Спорт» дастури:**  
12.35 «Мураббий».

12.55 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Динамо» (Андижон) - «Университет» (Андижон)

13.25 «Ишқ - сирли кўшиқ». Муסיкий композиция.

14.10 «Эркатой».

Бадий видеофильм премьераси. 2-қисм.

14.45 «Инсон ва қонун».

15.05 «Олам». Телеальманах.

15.45 «Навоий ҳақида ривоятлар». Телевизион театр. 2-қисм.

16.25 ТВ-клип.

16.35 «Самодаги турналар».

16.55 Болалар учун. «Кўшигим, жон кўшигим».

17.20 ТВ-анонс

17.30 «Харита». Халқаро шарҳ.

17.45 «Шеър ва шуур».

18.10 Ойнаи жаҳон тақдироти: «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультфильм премьераси.

18.35 «Банк ва мижоз».

18.50 Муסיкий альбом.

19.00 «Ҳидоят сари».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.40, 22.50 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз

тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 «Калбингиз кўшиққа тўлсин». Муסיкий дастур.

21.45 «Қабул соати».

22.10 «Бобур изидан». Видеофильм. 4-қисм.

22.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига. «Истиклолдан зиё тоған юрт». Вилоятларо теле-танлов. Экранда - Наманган.

23.00 «Ахборот».

23.35 Тунги сеанс: «Хотиржамлик бекор қилинади». Бадий фильм.

00.50-00.55 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканал**

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» саёҳати.

9.35 «2000 йилдан сўнг» телесериал.

9.55, 13.00

<p>Мусликий лахзалар. 10.05 «Сийрат». 10.25 «Даллас». Телесериал.</p> <p>11.10 Ёшлар овози.</p> <p>11.30 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.</p> <p>13.10 «Баҳор қайтмайди». Видеофильм. 3-қисм.</p> <p>13.55 «Мени тушун». Телеюнин.</p> <p>14.20 Болалар экрани. «Метичара-денгиз жонивори».</p> <p>15.45 «Ёшлар» телеканалда спорт: Снукер бўйича жаҳон чемпионати.</p> <p>16.25 Сенинг вақтинг.</p>	<p>16.45 Спорт қитъаси.</p> <p>17.15 «Камолот». Хаваскорлар телетанлови. ***</p> <p>17.35 Кўрсатувлар дастури.</p> <p>17.40 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».</p> <p>18.00 «Тараққиёт».</p> <p>18.15 Ёшлар куйлайди.</p> <p>18.25 Табобат оламида.</p> <p>18.45 Оқшом наволари.</p> <p>18.55, 21.55 Иқлим.</p> <p>19.00 «Давр». Ахборот дастури.</p> <p>19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.</p> <p>19.35 «Давр»-интервью.</p> <p>19.50 Ёшлар овози.</p>	<p>20.10 Мусликий лахзалар.</p> <p>20.15 «Одамлар орасида».</p> <p>20.35, 21.25, 22.30 Ёшлонлар</p> <p>20.40 «Бошсиз чавандоз ҳақида афсона». Бадийий фильм. 1-қисм.</p> <p>21.30 «Соғинч». Тамара-хоним.</p> <p>21.50 Олтин мерос.</p> <p>22.00 «Давр». Ахборот дастури.</p> <p>22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.</p> <p>22.35 «Даллас». Телесериал.</p> <p>23.20 «Давр». Ахборот дастури.</p>	<p>23.35 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.</p> <p>1.05-1.10 Хайрли тун.</p> <p><b>«Тошкент» телеканал</b></p> <p>18.00 Кўрсатувлар тартиби.</p> <p>18.05 «Митти юлдузлар».</p> <p>18.30, 20.00, 21.30, 23.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.</p> <p>18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».</p> <p>19.35 «Эхтиром ила».</p> <p>20.25 «Табриқлаймиз, қутлаймиз».</p> <p>21.10, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.</p> <p>21.55 «Спорт оламида».</p>	<p>22.35 ТТВда сериал: «Селеста».</p> <p>23.40 Оҳанглар ва эълонлар.</p> <p>23.45 Кинонигоҳ. «Севикли Ража». 1-қисм.</p> <p>1.15-1.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»</p> <p><b>«Халқаро» телеканал</b></p> <p>РЖТ 7.00-9.00</p> <p>15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ</p> <p>16.00 Кўрсатувлар тартиби.</p> <p>16.05 «Мультичархпалак».</p> <p>16.25 «Соғинч».</p> <p>16.30 «Вести».</p>	<p>17.00 «Морена Клара». Сериал.</p> <p>17.50. «СНН-шоу».</p> <p>18.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.</p> <p>18.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.</p> <p>18.45 «Аралаш». Ҳажвий киножурнали.</p> <p>18.55 А. Гордон ва В. Соловьёв «Судлов жараёни» дастурида.</p> <p>19.40 СФИ тақдим этади: «Еввойи ҳайвонлар туркумидан».</p>	<p>20.30 Россия эстрадаси юлдузлари.</p> <p>20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».</p> <p>21.00 «Время».</p> <p>21.50 «Бизнес-ревью».</p> <p>21.55 «Бибилисха пуллари». Сериал.</p> <p>22.50 «Кино сайёраси».</p> <p>23.10 Кинематограф. «Вестсайд вальси». Бадийий фильм.</p> <p>00.40 «Ахборот» (рус тилида)</p> <p>1.05 «Тунингиз осуда бўлсин».</p>
---	--	--	---	---	---	---

<p><b>JUMA</b></p> <p><b>30</b></p> <p><b>«Ўзбекистон» телеканал</b></p> <p>6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».</p> <p>8.00-8.35 «Ахборот».</p> <p>8.35, 17.55 ТВ-маркет.</p> <p>8.40 Газеталар шарҳи.</p> <p>9.00 «Мураббий». Спорт дастури.</p> <p>9.20, 12.25 ТВ-метео.</p> <p>9.25 «Калбингиз кўшиққа тўлсин». Мусликий дастур.</p> <p>10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар</p> <p><b>Болаларнинг таътил кунларида:</b></p> <p>10.05 «Дала ҳовли». Бадийий фильм.</p> <p>11.30 Болалар учун. «Кичкинтой устахонаси».</p> <p>11.55 ТВ-клип.</p> <p>12.05 Сиртки телевизион олимпиада.</p> <p><b>«Спорт» дастури:</b></p> <p>12.30 Волейбол бўйича Ўзбекистон</p>	<p>чемпионати. «Кеш-Кристалл» (Шаҳри-сабз) - ТДПУ (Тошкент)</p> <p>13.00 «Ўзбекистон спорти».</p> <p>13.15 «Мухлис ёхуд кўшиқ изидан». Мусликий дастур.</p> <p>13.50, 15.10 ТВ-анонс.</p> <p>14.10 «Эркатой». Бадийий видеофильм премьераси. 3-қисм.</p> <p>14.45 «Қабул соати».</p> <p>15.20 Дуторчилар ансамблининг концерти.</p> <p>15.45 «Навойи ҳақида ривоятлар». Телевизион театр. 3-қисм.</p> <p>16.25 «Цирк, цирк, цирк».</p> <p>16.50 ТВ-клип.</p> <p>17.00 «Тарих кўзгуси».</p> <p>17.20 ТВ-интернет.</p> <p>17.30 Экранда - телесериал. «Индаба».</p> <p>18.10 Болалар учун. «Жажжи гўзал».</p> <p>18.30 «Тафтиши ёки таъма».</p> <p>18.45 «Омад қувончи».</p>	<p>Телелотерея.</p> <p>19.10 «Имконият».</p> <p>19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.15 Ёшлонлар</p> <p>19.30 «Ахборот» (рус тилида)</p> <p>20.00 Оқшом эртақлари.</p> <p>20.15 «Тиббиёт одимлари».</p> <p>20.30 «Ахборот».</p> <p>21.05 «Офарин - 2001» танлови ғолиби М. Йўлчиева.</p> <p>21.40 «Долзарб мавзу».</p> <p>21.55 «Бобур изидан». Видеофильм. 5-қисм.</p> <p>22.20 «Олам». Телеальманах.</p> <p>23.00 «Ахборот».</p> <p>23.35 Тунги сеанс: «Қайта тергов». Бадийий фильм.</p> <p>00.40-00.45 Ватан тимсоллари.</p> <p><b>«Ёшлар» телеканал</b></p> <p>8.55 Кўрсатувлар дастури.</p> <p>9.00 «Давр». Ахборот дастури.</p> <p>9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».</p> <p>9.35 Тараққиёт.</p> <p>9.50 «2000 йилдан</p>	<p>сўнг». Телесериал.</p> <p>10.10 «Давр»-интервью.</p> <p>10.25 Мусликий лахзалар.</p> <p>10.35 «Даллас». Телесериал.</p> <p>11.20 Ёшлар овози.</p> <p>11.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.</p> <p>13.10 Минг бир маслаҳат.</p> <p>13.30 «Бошсиз чавандоз ҳақида афсона». Бадийий фильм 1-қисм.</p> <p>14.15 Вилоят ёш хонадалари куйлайди.</p> <p>14.30 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 78-қисм.</p> <p>15.20 «Мадакор рух». Мистик комедия.</p> <p>16.45 Кўрсатувлар дастури.</p> <p>16.50 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили».</p> <p>17.10 Мультифильм.</p> <p>17.30 Ёшлар куйлайди.</p> <p>17.40 Ҳуқуқ ва бурч.</p> <p>18.00 2001 йил - Оналар ва болалар</p>	<p>йили. Телесериал.</p> <p>18.15 Ёшлар овози.</p> <p>18.35 Аскар мактублари.</p> <p>18.55, 21.55 Иқлим.</p> <p>19.00 «Давр». Ахборот дастури.</p> <p>19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.</p> <p>19.35 «Азизим».</p> <p>20.00 Аср киёфаси.</p> <p>20.20, 21.10, 22.30 Ёшлонлар</p> <p>20.20 «Бошсиз чавандоз ҳақида афсона». Бадийий фильм. 2-қисм.</p> <p><b>21.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги.</b></p> <p>«Бунёдкорлик».</p> <p>21.45 Олтин мерос.</p> <p>22.00 «Давр». Ахборот дастури.</p> <p>22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.</p> <p>22.40 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари.</p> <p>23.40 «Давр». Ахборот дастури.</p> <p>23.55-0.05 Мунаввар тонг истаб.</p>	<p><b>«Тошкент» телеканал</b></p> <p>18.00 Кўрсатувлар тартиби.</p> <p>18.05 Мультифильм.</p> <p>18.30, 20.00, 21.30, 23.55 «Пойтахт». Ахборот дастури.</p> <p>18.55 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».</p> <p>19.35 «Эхтиром ила».</p> <p>20.25 «Табриқлаймиз, қутлаймиз».</p> <p>21.10, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.</p> <p>21.55 «Моҳир»</p> <p>22.30 «Эътиқод».</p> <p>22.45 «Туризм ҳақида».</p> <p>23.15 ТТВда сериал: «Селеста».</p> <p>00.20 Оҳанглар ва эълонлар.</p> <p>00.25 Кинонигоҳ. «Севикли Ража». 2-қисм.</p> <p>1.35-1.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»</p> <p><b>«Халқаро» телеканал</b></p> <p>РЖТ 7.00-9.00</p> <p>15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ</p> <p>16.00 Кўрсатувлар тартиби.</p> <p>16.05 FCN «Ўзбекистон</p>	<p>янгиликлари» (инглиз тилида)</p> <p>16.15 «Мультичархпалак».</p> <p>16.30 «Вести».</p> <p>17.00 «Морена Клара». Сериал.</p> <p>17.50 «Саёҳатлар олами».</p> <p>18.05 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.</p> <p>18.15 «Клип-антракт».</p> <p>18.25 М.Евдокимов хузурида меҳмонда.</p> <p>18.45 «Дурдаршан».</p> <p>19.05 «Койилмақом ўнлик». Концерт дастури.</p> <p>19.30 «Ажойиб воқеалар».</p> <p>19.40 «Мўъжизалар майдони».</p> <p>20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».</p> <p>21.00 «Время».</p> <p>21.55 «Бизнес-ревью».</p> <p>22.20 «Бибилисха пуллари». Сериал.</p> <p>23.15 Кинематограф. «Кулги ишқибозлари». Бадийий фильм.</p> <p>00.45 «Ахборот» (рус тилида)</p> <p>1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»</p>
---	--	---	--	---	---	---

<p><b>SHANBA</b></p> <p><b>31</b></p> <p><b>«Ўзбекистон» телеканал</b></p> <p>6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».</p> <p>8.00-8.35 «Ахборот».</p> <p>8.35 Газеталар шарҳи.</p> <p>8.50 «Ҳамоҳанг садолар». Мусликий дастур.</p> <p>9.20, 12.30 ТВ-метео.</p> <p>9.25 «Хидоят сари».</p> <p>9.50 «Сохибжамол ва махлуқ». Мультифильм.</p> <p>11.10 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.</p> <p>«Автомобилчи» (Кўқон) - «Самарқанд-телеком».</p> <p><b>«Тирик сайёра» кинодастури:</b></p> <p>11.40 СФИ тақдим этади: «Шерлар».</p> <p>12.35 Зарафшон наволари.</p> <p>13.00 ТВ-1 кинотеатри: «Дил».</p>	<p>Бадийий фильм. 1-қисм.</p> <p>14.20 «Дўстлик» видеоканали. 1.«Меҳрангез». 2. «Жетиген».</p> <p>14.40 ТВ-1 кинотеатри: «Дил». Бадийий фильм. 2-қисм.</p> <p>16.10 «Нурафшон». Тележурнал.</p> <p>16.30 «Рақслар гулдас-таси».</p> <p>16.50 «Фламинго». Кинокўрсатув.</p> <p>17.10 «Қалб гавҳари».</p> <p>17.30 «Мўъжизалар майдончаси».</p> <p>18.20 Эстрада тароналари.</p> <p>18.50 «Санъат олами».</p> <p>19.10 «Қишлоқ ҳаёти».</p> <p>19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлонлар</p> <p>19.30 «Ахборот» (рус тилида)</p> <p>20.00 Оқшом эртақлари.</p> <p>20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)</p>	<p>20.30 «Ахборот».</p> <p>21.05 «Даврани кенгроқ олинг». Мусликий дастур.</p> <p>21.40 «Долзарб мавзу».</p> <p>21.55 «Бобур изидан». Видеофильм. 6-қисм.</p> <p>22.15 «Шанба оқшомида». Дам олиш дастури.</p> <p>23.05 «Ахборот».</p> <p>23.40 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Семурғ» (Ангрен) - «Пахтакор» (Тошкент)</p> <p><b>«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:</b></p> <p>00.25 «Сукунат». Бадийий фильм.</p> <p>2.00-2.05 Ватан тимсоллари.</p> <p><b>«Ёшлар» телеканал</b></p> <p>7.55 Кўрсатувлар дастури.</p> <p>8.00 «Давр тонги».</p> <p>9.00 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили».</p> <p>9.20 Табобат оламида.</p> <p>9.40 Жаҳон жуғрофияси: «Окаланго».</p> <p>10.30 «Ракурс».</p>	<p>10.50, 13.35, 15.25 Мусликий лахзалар.</p> <p>11.00 Аср киёфаси.</p> <p>11.20 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари.</p> <p>12.20 «Мақом» ансамбли хонадалари куйлайди.</p> <p>12.40 Хайрат.</p> <p>13.00 «Рамаяна». Телесериал.</p> <p>13.45 Кутилмаган меҳмон.</p> <p>14.05 «Бошсиз чавандоз ҳақида афсона». Бадийий фильм. 2-қисм.</p> <p>14.50 Тафаккур ёлқинлари.</p> <p>15.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.</p> <p>15.55 Шўҳрат Қаюмов суҳбатга қорлайди.</p> <p>16.35 Кўрсатувлар дастури.</p> <p>16.40 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».</p> <p>17.10 Мусликий лахзалар.</p> <p>17.15 Бола тилидан.</p> <p>17.45 «Оби ҳаёт». Экологик тележурнал.</p>	<p>18.05 Футбол плюс.</p> <p>18.25 ТВ-саёҳат.</p> <p>18.45 Оқшом наволари.</p> <p>18.55, 21.55 Иқлим.</p> <p>19.00 «Давр». Ахборот дастури.</p> <p>19.30 ТВ-анонс.</p> <p>19.35 Каталог.</p> <p>19.45 Ёшлар овози.</p> <p>20.05 Олтин мерос.</p> <p>20.10 Бизнес-академия.</p> <p>20.30, 21.10, 23.10 Ёшлонлар</p> <p>20.35 «Рамаяна». Телесериал.</p> <p>21.15 «Азиз ва муқаддасан, аёл». Мусликий дастур.</p> <p>22.00 «Давр». Ахборот дастури.</p> <p>22.30 Кўнги кўнги пайванд.</p> <p>23.00 Тунги тароналар.</p> <p>23.15 Шанба экрани «Тутинган ака-укалар». Бадийий фильм.</p> <p>0.40-0.45 Хайрли тун.</p> <p><b>«Тошкент» телеканал</b></p> <p>18.00 Кўрсатувлар тартиби.</p> <p>18.05 «Мультифильм».</p> <p>18.30 «Эхтиром ила».</p> <p>19.00 «Бу ҳам кино». Телесериал. 19-қисм</p>	<p>(яқунловчи)</p> <p>19.25, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.</p> <p>19.45 «Авто-пewз».</p> <p>20.00 «Табриқлаймиз, қутлаймиз».</p> <p>20.25 «Рухият».</p> <p>21.05 «Интер-спорт».</p> <p>21.20 «Табриқлаймиз, қутлаймиз».</p> <p>22.00 «Дарвоқе» Ҳажвий кўрсатув.</p> <p>22.20 «Файзли оқшом». Дам олиш дастури.</p> <p>23.00 Оҳанглар ва эълонлар.</p> <p>23.05 Кинонигоҳ. «Ойимга айтманг...»</p> <p>00.25-00.30 Хайрли тун, шаҳрим.</p> <p><b>«Халқаро» телеканал</b></p> <p>9.00 Кўрсатувлар тартиби.</p> <p>9.05 «Инглиз тили Сиз учун».</p> <p>9.30 «Кино сайёраси».</p> <p>9.50 «Дурдаршан».</p> <p>10.10 «Смак».</p> <p>10.30 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».</p> <p>11.05 Кундузги сеанс: «Катта айиқ фарзанд-</p>	<p>лари». Бадийий фильм.</p> <p>12.30-13.20 Дўстлик видеоканали: «Немис шарҳи», «Чинсен», «Бизнен мерас».</p> <p>17.30 Кўрсатувлар тартиби.</p> <p>17.35 «Билишни истаيمان». Болалар учун кўрсатув.</p> <p>17.55 «Интернет худуди».</p> <p>18.05 СФИ тақдим этади: Франция музейлари. Хайкалтарошлик.</p> <p>18.30 «Мюзик-холл».</p> <p>18.50 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.</p> <p>19.10 Буюк изкуварлар: Коломбо қонуни.</p> <p>21.00 «Время».</p> <p>21.40 «Бизнес-ревью».</p> <p>21.45 «7 дан 70 гача».</p> <p>22.15 Кинематограф. Антонио Бандерас «Ун учинчи жанчи» фильмида.</p> <p>23.50 Ахборот (рус тилида)</p> <p>00.15 «Тунингиз осуда бўлсин».</p>
---	---	--	--	--	--	---

<p><b>YAKSHANBA</b></p> <p><b>1</b></p> <p><b>«Ўзбекистон» телеканал</b></p> <p>6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».</p> <p>8.00-8.35 «Ахборот».</p> <p>8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.</p> <p>9.05 «Тўрғай» фольклор-этнографик ансамблининг концерти.</p> <p>9.35, 11.55 ТВ-метео.</p> <p>9.40 «Фаройибот».</p> <p>9.55 ТВ-клип.</p> <p>10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».</p> <p>11.00 «Яхши ният». Телелотерея.</p> <p>11.35 2001 йил - Оналар ва болалар йили. «Она меҳри».</p> <p>12.00 «Шоҳруҳ» клуби.</p> <p>12.20 Кулги усталари «Учрашув» фильмида.</p> <p>13.25 «Юртим мўъжизалари».</p> <p>13.45 «Тухфа».</p>	<p>Мусликий дастур.</p> <p>14.05 Мустақиллик тимсоли. Б. Боймирзаев. «Дуоибад». Бердақ номидаги Қорақалпоқ драма театрининг спектакли. 1-қисм.</p> <p>15.05 «Мўъжизалар майдончаси». Телеюнин.</p> <p>15.55 ТВ-клип.</p> <p>16.00 Б. Боймирзаев. «Дуоибад». Бердақ номидаги Қорақалпоқ драма театрининг спектакли. 2-қисм.</p> <p><b>«Спорт» дастури:</b></p> <p>17.05 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» (Фарғона) - «Трактор» (Тошкент)</p> <p>17.50 Ойнаи жаҳон тақдироти: «Қиролликдаги саргузаштлар». Мультифильм премьераси.</p> <p>18.15 «Олтин тож». Телевизион юнин.</p> <p>18.45 «Севги сурури».</p>	<p>Мусликий дастур.</p> <p>19.05 «Туртинчи ҳокимият».</p> <p>19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ёшлонлар</p> <p>19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)</p> <p>20.05 «Аския кечаси».</p> <p>20.30 «Тахлилнома».</p> <p>21.15 «Якшанбада Сиз билан бирга». Бадийий-мусликий дам олиш дастури.</p> <p>22.00 Телевизион миниатюралар театри.</p> <p>22.30 «Келин-кўёв». Телешоу.</p> <p>23.35 ТВ-1 намоиш этади:</p> <p>23.50 «Олам футбол».</p> <p><b>«Якшанба кинозали»:</b></p> <p>00.20 «Кулги қироли». Бадийий фильм.</p> <p>2.05-2.10 Ватан тимсоллари.</p> <p><b>«Ёшлар» телеканал</b></p> <p>7.55 Кўрсатувлар дастури.</p> <p>8.00 «Давр тонги».</p> <p>9.00 «Янги авлод» студияси: «Бўш ўтирма».</p> <p>9.30 Футбол плюс.</p> <p>9.50 Ёшлар овози.</p> <p>10.10 Мусликий лахзалар.</p>	<p>10.20 «Заковат». Интеллектуал юнин.</p> <p>11.15 «Сўз сеҳри». Уткир Сиддиқов.</p> <p>11.35 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марду майдон. 2. Аскар мактублари.</p> <p>12.15 Ёшлик наволари.</p> <p>12.30 Очил дастурхон.</p> <p>12.45 «Чинор остидаги дуёл». Бадийий фильм.</p> <p>13.50 Кинематография санъати бўйича «Оскар» мукофотининг 2001 йил тақдимоти маросими.</p> <p>15.20 Ҳазил кўшиқлар.</p> <p>15.30 «Рамаяна». Телесериал.</p> <p>16.05 Спорт ҳафтано-маси.</p> <p>16.20 Бир пиёла чой устида.</p> <p>16.40 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Мотоцикллар».</p> <p>17.25 Кўрсатувлар дастури.</p> <p>17.30 «Янги авлод» студияси: «Ким эпчилу, ким чаққон?».</p> <p>17.55 «Эхтиром, улар акдан озишгандир». Телесериал.</p>	<p>18.20 Очун.</p> <p>18.45 Оқшом наволари.</p> <p>18.55, 21.55 Иқлим.</p> <p>19.00 «Давр». Ҳафта ичида».</p> <p>19.40 Якшанбада кўришгунча.</p> <p>19.55, 20.35, 22.30 Ёшлонлар</p> <p>20.00 «Рамаяна». Телесериал.</p> <p>20.40 Синфдош.</p> <p>21.10 Олтин мерос.</p> <p>21.15 Маслаҳат.</p> <p>22.00 «Давр»-pewз.</p> <p>22.15 Тунги тароналар.</p> <p>22.35 «Ёшлар» телеканалда премьераси «Муҳаббат қани, девоналар». Бадийий фильм.</p> <p>0.05-0.10 «Хайрли тун».</p> <p><b>«Тошкент» телеканал</b></p> <p>18.00 Кўрсатувлар тартиби.</p> <p>18.05 «Кулишни унутманг».</p> <p>18.20 «ТТВ плюс юлдузлар».</p> <p>18.40 «Сув остидаги экспедиция». Телесериал. 1-қисм.</p> <p>19.30 «Ҳаммаси кулги учун».</p> <p>19.40 «Эхтиром ила».</p> <p>20.10, 21.10</p>	<p>«Экспресс» телегазетаси.</p> <p>20.30 «Табриқлаймиз, қутлаймиз».</p> <p>21.30 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Сериал.</p> <p>21.55 «Ҳаммаси кулги учун».</p> <p>22.05 «Спорт-тайм».</p> <p>22.25 «Паловхонтўра». Ҳайрия кўрик танлови.</p> <p>23.15 Оҳанглар ва эълонлар.</p> <p>23.20 Кинонигоҳ. «Жаноб Магу».</p> <p>00.40-00.45 Хайрли тун, шаҳрим!</p> <p><b>«Халқаро» телеканал</b></p> <p>9.00 Кўрсатувлар тартиби.</p> <p>9.05 «Кайфият» дам олиш дастури.</p> <p>10.10 Д. Криловнинг «Йулда ёзилмаган қайдлари».</p> <p>10.30 «Ҳамма уйдалигида».</p> <p>11.20 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)</p> <p>11.30 «Эртақларнинг сеҳрли олами».</p> <p>13.10 «Парле ву</p>	<p>«Франсэ?»</p> <p>13.35 «Фан-тайм».</p> <p>13.45 «Дўстлик» видеоканали: «Маврид», «Дидар».</p> <p>14.20-14.50 «Немис тили».</p> <p>16.00 Кўрсатувлар тартиби.</p> <p>16.05 «До-ми-соль». Болалар шоу дастури.</p> <p>16.50 «СФИ янгиликлари».</p> <p>17.00 «Жонли табиат».</p> <p>18.00 «Тенгдошлар».</p> <p>18.25 «КВН-2001».</p> <p>20.40 Эдди Мерфи «Телба профессор» комедиясида.</p> <p>22.30 «Британия кундалиги».</p> <p>22.50 «Бизнес-ревью».</p> <p>23.15 Кинематограф. Курт Рассел «Кемадан ташқарида» фильмида.</p> <p>1.00 «Тахлилнома» (рус тилида)</p> <p>1.30 «Тунингиз осуда бўлсин».</p>
---	---	--	---	---	--	---



## ЙИЛБОШИ ТУХФАЛАРИ

**Кибрай туманида жойлашган вилоят меҳрибонлик уйининг тарбияланувчилари кўклам шодийнаси соғваларидан бахраманд бўлишди.**

«Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлими уларга 350 минг сўмлик кийим-кечак, Осие тараққиёт ва маданият институти ўз дори-дармонларини туҳфа этишди. Вилоят тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси ҳамда «Соҳибкор» маҳалласи болажонларга турли хил уйинчоқлар ҳада этиб, хурсандчиликларига шерик бўлдилар.

Шу кунги тантаналар бир гуруҳ болаларнинг суннат тўйларига уланиб кетди.

Туманда байрам арафасига бир неча янги иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Туманнинг «Аргин» қишлоғида ҳайдовчиларга қулай шароит яратиш мақсадида «Алп-Жамол» фирмаси томонидан ёқилги қуйиш шаҳобчаси барпо этилди. Бу шаҳобчада бир йилда 700 тоннадан ортиқ ёқилги қуйиб сотилиши мўлжалланган.

Шунингдек, «Салор» шаҳарчасида гузар, ҳамда «Тузел» қишлоғида истеъмолчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, замонавий савдо дўкони қурилиб, аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

**Камолиддин АСҚАРОВ.**

## САҲОВАТ ГРАНТЛАРИ

**Наврўз кунларида саҳоват кўрсатиш орқали савоб топишнинг файзи ўзгача. Бу меҳр-мурувват тадбирларида вилоят тадбиркор аёллар уюшмаси ҳам фаол қатнашмоқда.**



Баҳор айёми арафасида уюшманинг саъй-ҳаракати билан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Вилоятимиздаги тадбиркорлик билан шуғулланиш истасида бўлган, лекин, бунга иқтисодий имкониятлари етмаётган бир гуруҳ вилоят аёлларига АҚШнинг «Grey Dove» ташкилоти томонидан грантлар ажратилди. Ўтган ҳафтада вилоят тадбиркор аёллар уюшмаси АҚШ ташкилотининг вакили билан биргаликда ана шундай ўн нафар аёлнинг тадбиркорлик фаолиятларини бошлаб олишлари учун мўлжалланган грантларнинг дастлабкисини топширдилар.

Зангиота туманининг

**Ўз мухбиримиз.**

**СУРАТДА:** вилоят тадбиркор аёллар уюшмаси раиси Гулнора Маҳмудова (ўнгдан) ҳамда хайрия жамғармаси вакили Динора Олимжонова Ҳайринисо Мамасолиевага туҳфани топширишмоқда.

**Дилшод АХМЕДОВ олган сурат.**

Ўртаовул кўргони, Ёшлик кўчасида истиқомат қилувчи Ҳайринисо Мамасолиева ҳам ўзи учун ажратилган битта тандир ҳамда 200 килограмм ун олиб, хонадон эгаларининг новвойлик билан шуғулланишига шароит яратди.

Ушбу Наврўз туҳфаларини жамиятнинг Ўзбекистондаги вакили Динора Олимжонова ва вилоят тадбиркор аёллар уюшмасининг раиси Гулнора Маҳмудова топширишди. Ҳайринисо Мамасолиева уларга миннатдорчилик билдираркан, ўз фаолиятини ривожлантириб, маҳалла аҳлини иссиқ нон билан узлуксиз таъминлаб тураганини айтди.

Вилоятимиз туман ва шаҳарларида Наврўз, Хотира ва Қадрлаш куни, Мустақиллигимиз тантаналари, «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловлари – турли тадбирлар куй-қўшиқсиз, дилрабо рақсларсиз ўтмайди. Вилоят маданият ишлари бошқармаси бундай учрашувларнинг асосий ташкилотчиларидан ҳисобланади. Айни вақтда бошқарма кутубхоналари, клуб ва маданият муассасалари вилоятнинг бош маънавий-маърифий ўчоғларидир. Бошқарма раҳбари Зоҳид Солиҳов билан суҳбатимиз ўтган йил якуни, бу йилги вазифалар хусусида борди.



## МАЪРИФАТ УЛАШИШ – АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

**– Зоҳид Обидович, бошқарманинг иш кўламини аниқ идрок қилиш учун унинг қарамоғидаги муассасалар ҳақида маълумот берсангиз?..**

– Бажонидил. Ҳозир вилоятимизда 170та клуб, 502та кутубхона, 39та мусиқа ва санъат мактаблари, тўртта ўлкани ўрганиш музейлари, учта хўжалик ҳисобидаги маданият ва истироҳат боғлари, ҳамда «Ўзбекнаво» ГКБ вилоят бўлими фаолият кўрсатмоқда. Маданият муассасалари хўжалик ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда аҳолига маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилишга доир бир қатор тадбирларни амалга оширдилар. Жумладан, 2000 йилда маданият муассасаларимиз томонидан Наврўз умумхалқ байрами, Ватанимиз мустақиллигининг тўққиз йиллиги, Давлат тили қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги, Хотира ва Қадрлаш куни, «Соғлом авлод йили» каби саналарга бағишланган тантанали кечалар ўтказилди. Айни пайтда миллий мустақиллик ғояларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилишда ҳам анчагина юмушларни адо этдик. Келинг, яхшиси, сизга баъзи рақамларни айтиб ўтай. 2000 йилда кутубхоналаримиз 518.800 китобхонага хизмат кўрсатдилар. Клубларда 1117 тузилмалар иш олиб борди. Улар ўз сафларига 17 минг 318 қатнашчини бирлаштирган. Болалар мусиқа мактаби ва болалар санъат мактабларида 9377 ўқувчи санъат сирларини ўргандилар. Маданият муассасалари аҳолига йил давомида 43.240.500 сўмлик хизмат кўрсатдилар. Шунингдек, уларнинг моддий-техника заминини мустаҳкамлашга ҳам катта эътибор бераяпти. Жумладан, 27 муассаса янги бинога кўчирилди. 93таси жорий таъмирдан чиқди. Қолганлари ҳашар йўли билан янги қиёфа касб этди. «Ўзбекнаво» ГКБ вилоят бўлими 198та концерт ташкил қилиб, аҳолига 16.110.600 сўмлик хизмат қилди. Бошқарма ва мазкур бирлашма томонидан вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида «Ватани севмоқ йил» мундандир» шиори остида санъат фестиваллари ўтказилди. Амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Турон» кутубхонаси томонидан долзарб вазифаларга бағишланган 12та илмий-амалий семинар машғулоти ўтказилди. Яна шуни қўшимча қилишим мумкинки, бадиий хаваскорлик жамоаларимиз республика миқёсида ўтказилган қатор кўрик-танловларда совринли ўринларни эгалладилар.

**– Бу масалаларни ҳал қилиш борасида чора-тадбирлар назарда тутилган бўлса керак?..**

– Албатта. 2001 йил «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинди. Режаларимиз мана шу муҳим тадбир асосида ташкил қилинди. Бу йил Президентимиз фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларини халққа етказиш мақсадида турли шакл ва мазмундаги оммабоп тадбирлар ўтказиш: миллий истиқлол ғояси ва асосий тамойилларни, Ўзбекистон Конституциясини одамларга тарғиб қилиш мақсадида туркум лекторийлар ташкил қилиш; барча клуб ва кутубхоналардаги кўргазмалар восита ва безакларни шу куннинг долзарб вазифалари асосида янгилаш; оммавий тадбирларни мазмун жиҳатдан барчага манзур қилиш; музейлардаги экспозицияларни янгилаш, кўчма экспозициялар ташкил қилиш; маданият ва истироҳат боғларини баҳорги-ёзги мавсумга тайёрлаш; меҳнат аҳлининг бўш вақтини мазмунли ўтказишда барча имкониятларни ишга солишга эътибор бердик.

**– Зоҳид Обидович, маълумки, кутубхона маънавият ва маърифатнинг ўзагини ташкил этади. Шунинг учун вилоятдаги шаҳар ва туманлардаги кутубхоналарнинг аҳолига ҳам бир назар ташласак.**

– Аввалдан айтиб қўяй: кутубхоналаримиздаги аҳвол бирмунча жиддий. Вилоят бўйича ҳар бир туман марказий кутубхонасига 11 ходимдан тўғри келади. Зангиота ва Оққўрғон туманида 9 киши, Тошкент туманида саккиз киши, Оҳангаронда етти киши ишлайди. Паркентдаги 11та кутубхона, Қуйичирчиқдаги тўртта қишлоқ кутубхонаси ходимлари ярим ставкадан меҳнат қилишади. Лекин, кутубхоначиларимиз ўз хизмат вазифаларига виждонан ёндошишлари бизни хурсанд қилади. Улар китобхонлар қизиқишларини ўрганадилар, ўқишга, касб маҳоратларини оширишга, ёшларни маънавий-маърифий тарбиялашга ёрдам берувчи адабиётлар тарғиб-

да 320,5, Чинозда 317,0, Бекобод шаҳрида 1244,0, Бекобод туманида 207,3, Оққўрғонда 597,9, Тошкент туманида 247,0 минг сўмни ташкил этади. Клуб ва кутубхоналар томонидан ўтказилаётган оммавий тадбирларни ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойитиш зарур. Вилоятда фольклор-этнографик, рақс дасталари, болалар ижодиётига бағишланган тўғарақларни кўпайтириш, уларни моддий томондан мустаҳкамлаш ҳозирги кун талабидир. Мусиқа ва санъат мактабларида ўқувчиларни танлов асосида ўқишга қабул қилишни қатъий йўлга қўйиш фурсати келди. Ўлкашунослик музейларини янги экспонатлар билан бойитишга жиддий эътибор қаратишимиз керак. Маданият ва истироҳат боғлари фаолияти ҳам жиддий ўзгаришларга муҳтож. Уларда мутахассис ходимлар етишмайди, аттракционлар ўз вақтида техник назоратдан ўтказилмайди. Масалан, Оҳангарон шаҳар маданият ва истироҳат боғидаги аттракционлар бир неча йилдан бери жиддий текширув кўргани йўқ.

**– Бу масалаларни ҳал қилиш борасида чора-тадбирлар назарда тутилган бўлса керак?..**

– Албатта. 2001 йил «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинди. Режаларимиз мана шу муҳим тадбир асосида ташкил қилинди. Бу йил Президентимиз фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларини халққа етказиш мақсадида турли шакл ва мазмундаги оммабоп тадбирлар ўтказиш: миллий истиқлол ғояси ва асосий тамойилларни, Ўзбекистон Конституциясини одамларга тарғиб қилиш мақсадида туркум лекторийлар ташкил қилиш; барча клуб ва кутубхоналардаги кўргазмалар восита ва безакларни шу куннинг долзарб вазифалари асосида янгилаш; оммавий тадбирларни мазмун жиҳатдан барчага манзур қилиш; музейлардаги экспозицияларни янгилаш, кўчма экспозициялар ташкил қилиш; маданият ва истироҳат боғларини баҳорги-ёзги мавсумга тайёрлаш; меҳнат аҳлининг бўш вақтини мазмунли ўтказишда барча имкониятларни ишга солишга эътибор бердик.

**– Зоҳид Обидович, маълумки, кутубхона маънавият ва маърифатнинг ўзагини ташкил этади. Шунинг учун вилоятдаги шаҳар ва туманлардаги кутубхоналарнинг аҳолига ҳам бир назар ташласак.**

– Аввалдан айтиб қўяй: кутубхоналаримиздаги аҳвол бирмунча жиддий. Вилоят бўйича ҳар бир туман марказий кутубхонасига 11 ходимдан тўғри келади. Зангиота ва Оққўрғон туманида 9 киши, Тошкент туманида саккиз киши, Оҳангаронда етти киши ишлайди. Паркентдаги 11та кутубхона, Қуйичирчиқдаги тўртта қишлоқ кутубхонаси ходимлари ярим ставкадан меҳнат қилишади. Лекин, кутубхоначиларимиз ўз хизмат вазифаларига виждонан ёндошишлари бизни хурсанд қилади. Улар китобхонлар қизиқишларини ўрганадилар, ўқишга, касб маҳоратларини оширишга, ёшларни маънавий-маърифий тарбиялашга ёрдам берувчи адабиётлар тарғиб-

ти бўйича фаол иш олиб борадилар.

Бу борада «Турон» вилоят кутубхонаси уларга ўрнак бўлмоқда. Бу ерда кенг китобхоналар оммасига мўлжалланиб, кўпчиликнинг фойдаланишини назарда тутиб долзарб мавзуларда китоб кўргазмалари ташкил қилдик. «Соғлом фарзанд жамият бахти», «Туркий шеърят қўёши», «Ўзбекистон Мотуридий тавлимотининг ватани», «Компьютер ва китобхона», «Қонун устуворлиги ҳаққоният мезони» сингари кўргазмалар фикримизнинг далилидир. Булардан ташқари Саид Аҳмад, Абдулла Қодирий, Собир Абдулла, Миртемир каби атоқли адибларимизнинг ижодига бағишланган адабий кечаларни тилга олиб ўтиш зарур. Навойихонлик кечаларида Наим Каримов, Суйима Ғаниева, Бахтиёр Назаров ва бошқа атоқли олимлар иштирок этдилар. Тадбирларимиз ранг-барангдир. Бизни мамнун этадигани – барча туманларда ҳам бу каби учрашувлар, мусиқа ва шеърят оқшомлари бўлиб ўтди.

**– Кутубхоналар ҳақида гап борар экан, жойларда улар билан боғлиқ муаммоларга ҳам тез-тез дуч келамиз...**

– Ютуқларимиз кўп, аммо, муаммолар ҳам йўқ эмас. Улардан бири кутубхоналарни янги адабиётлар билан мунтазам таъминланмаслигидир. Вилоят бўйича ўтган йили 19,3 мингта янги адабиёт олинган. Олмалиқ, Оҳангарон, Пскент, Қуйичирчиқ туманлари марказий кутубхона тизимини бутлаш учун умуман ҳаракат бўлмади. Бу кутубхоналар 200–300тадан китобни вилоят кутубхонасидан олишган холос. Кутубхоналарга болалар учун адабиётлар ҳам жуда кам олинмоқда. Бу болалар орасида китобхонлар сонининг камайишига сабаб бўлмоқда. Марказий кутубхона тизимининг катта қисмида даврий нашрларнинг етишмаслиги сезилмоқда. Вилоят бўйича ҳар бир кутубхонага учтадан газета ва 0,8 тадан журнал тўғри келади. Бекобод, Ўқча, Бўстонлик, Қуйичирчиқ туманларида қишлоқ кутубхоналари эса бирорта ҳам на газета, на журнал олмаган. 2001 йил обунаси бундан ҳам ачинарли аҳволда, десам ишонаверинг.

Кутубхоналар моддий-техника базасининг сустиги ҳам ишимизга салбий таъсир кўрсатмоқда. Айни пайтда айрим кутубхоналар жойлашган хоналарнинг торлиги, таъмирга муҳтожлиги, ноқулайлигини ҳам тан олишимиз керак.

Биз келажақда шаҳар ва туман ҳокимликлари билан баҳамжиҳат бу муаммоларнинг ҳал бўлишига, кутубхоналаримиз ўзларининг аҳборот, маданий-маърифий муассаса сифатидаги вазифаларини ҳар томонлама тўқис бажариб боришига эришмоғимиз керак. Одамларимизга маърифат улашиш бизнинг асосий ишимиз экан, буни ҳар қандай шароитда уддаламоғимиз шартдир.

**Суҳбатдош Темурубайдулло.**



## ТИНЧЛИГИ БУЗИЛГАН ЮРТ

**Яқин-яқинларгача Македония ҳақида «со- биқ» Югославия таркибидаги ягона тинч дав- лат «деган гап-сўзлар юрарди. Унчалик кат- та бўлмаган Болқон ярим оролининг жану- бида жойлашган Македонияда икки мил- лиондан сал ошиқроқ одам яшайди.**

Ҳисоб-китобларга қараганда, аҳолининг 30 фоизи маҳаллий албанлардан иборат экан. Буни қарангки, шу пайтгача уруш-жан- жал нималигини билмай яшаёт- ган халқлар бирданга ўзаро чиқишмай қолишди. Бу ердаги албанлар ҳам ўзларининг ҳақ- ҳуқуқларини талаб қилиб, ало- ҳида республика бўлишга бел боғлашди.

Косовода бошланган ёнғин аста-секин Македонияни ҳам қамраб оляпти. Кичкинагина давлатнинг бу ёнғинни бартараф қилишга ўзининг кучи етмасли- ги аниқ бўлиб қолди. У НАТО- нинг тинчликсевар кучлари ёрдамига умид боғлаган. Пой- тахти Скопье бўлган Македония- да шу пайтгача аҳволнинг мўта- дил бўлиб туриши НАТОнинг чекланган қўшинлари хизмати- га ҳам боғлиқ. 1999 йилнинг баҳор- ида Югославияда бошланган уруш натижасида Македония минглаб албан қочоқларига ўз бағридан жой берган эди. Бу- гун у албан экстремизми ҳа- ракатларининг қурбонига айлиниб турибди.

«Албан жангариларининг ҳаракатлари, — деди БМТ Бош котиби Кофи Аннан, — Македо- ния Республикасининг яхлитли- гига раҳна соляпти, ҳафсизли- ги ва мўтадил ҳаётига даҳл қилапти. Биз бу минтақани тез- роқ оловдан холи бўлишни хоҳлаймиз». Нафақат Бош котиб, балки, дунёдаги барча тинчлик- севар халқ буни чин дилдан истаиди. Европанинг қоқ мар- казида жангариларнинг тили билан айтганда, «Буюк Албания» давлатини ташкил этиш йўлида-

ги уриниш ақл бовар қиладиган гап эмас.

Халқимизда ноахил бўлган уч ака-ука ҳақида ажойиб ривоят бор. Унда айтилишича, отаси ака-укаларга ўлар чоғида бир боғлам новда берибди. «Синди- ринглар», дебди. Ака-укалар ҳарчанд уринсалар ҳам, уларни синдирилмабдилар. Лекин, нов- даларни алоҳида-алоҳида осон- гина синдириб ташлашибди. Шунда отаси: «Қўрдингларми,

## ИШЛАРИ АСФАЛЬТДАГИ МУҲАББАТ

Ҳаммага маълум, ошиқлар ўз маъшуқа- ларига юраклариданга ишқ ўтини изҳор этиш- га шошиладилар. Бу ёзувлар- ни дарахтларда, деворларда «Раҳим+Лола=севги» қабил- да кўришимиз мумкин. Син- гапурда ажойиб гўзаллик ҳукмрон. Шаҳарнинг кўчалар- ни топ-тоза. Ҳатто чўп ҳам тушмайди. Мабодо уни иф- лослантиришни ўйлаб қолган киши шаҳар ҳокимияти томо- нидан қаттиқ жазоланади. Мана шу шаҳарда яқинда фаройиб ёзув пайдо бўлди. Каттакон кўчада, бунинг ус- тига транспорт ҳаракати тин-

# XXI asr va dunyo

## Mamlakatlar & Odamlar & Voqealar

бўлингани бўри ер, аҳил бўлинглар, иноқ бўлсанглар сиз- ларга тегадиган бало йўқ», деб васият қилибди. Худди шундай, халқлар ўртасидаги низолар ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Жаҳон афғор оммаси шунинг учун ҳам Болқон воқеаларига бефарқ қарамапти. Кечаю-кун- дуз ташвиш чекапти. Жангариларни нисофга чорляпти. Осо- йишта кунларга тезроқ етишга ундапти.

майдиган жойда муҳаббат из- ҳори кўзга ташланди. Қалб сўзларини ўқиб, йўловчилар ҳам, ҳайдовчилар ҳам бош- ларини чайқаб қўйишарди. Мабодо қўлга тушиб қолса- ми, ошиқ бечоранинг шўрига шўрва тўкиларди. Ҳозир по- лиция муҳаббат асирини қидирмоқда. Айтинг, айтинг, бечоранинг дил сўзларини маъшуқаси ўқиган бўлсин-да.

## БОЛАЛИКНИНГ ОРЗУСИ

Амалга ошмаган болалик орзулари кишининг ҳаёт йўлидаги мансабини эмас, ҳатто ҳаётини ҳам хавф ос- тига қўяди. Антверпен шаҳ- рида яшовчи қўлфбузар ўғри дўконни ўмариб бўлиб кетаётганда, болаларнинг ўйинчоқ темир йўлига кўзи тушиб қолди. Бечорани мана шу ишқибозлик хароб қилди. Дўконга уч соатдан кейин етиб келган полициячилар ўйинчоқ паравозни ҳайдаёт- ган кишини кўрдилар. Буни қарангки, паравозча унинг оёқлари остига келиб тўхтаб, «тут-ту» деб гудок берди. Шу заҳоти ўғри «Сиз ҳибсга олиндингиз» деган овозни эшитди. Болалик орзулари уни яна панжара ортига етак- лади.

## Машҳур бўлиш осонмас

### ФАҚАТ ВЕЛОСИПЕД МИНИНГ

Америкалик киночилар ишлаган «Сулота» су- пер сериали эсингизда бўлса керак. Унда машҳур Хитер Локлиннинг маккор аёл ролини ижро этган. Бугун Хитер хоним 38 ёшга кирди. Лекин, ҳали ҳам юзлари нақш олмадай, «қоматлари толмадай». У шундай хиром билан юрадики, кўрганлар «оҳ» демай иложи йўқ. Вазни эса хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг 47 килограмдан сира ошмайди. У бундай натижага кишини ҳолдан тойдирадиган даражадаги парhez билан эришгани йўқ. Уйқудан уйғониши билан Хитер дарҳол ўзини тортиради. Оғирлигига беш-ўн грамм қўшилиб қолган бўлса, велосипедга ўтиради-ю, то 47 килограммга кел- магунча учаверади. Велосипед минишга хоҳиши бўлмаса, ҳолдан тойгунча рақс тушади. Мана шунча гаплар. Рақс тушишни уddалолмасангиз, велосипедга марҳамат қилинг.

### ДИ КАПРИОНИНГ САНЪАТИ

Ўзи одатда шунақа бўлади: биров бировнинг овозини жуда ўхшатиб гапиради. Биров эса тақ- лидни уddалолмайди. Дамто Мелло айнан шун- дай иш қилади. У чет эл фильмларига овоз бе- риш билан шуғулланади. Бунинг яхши томонлари бор экан. Суратга тушиш майдонларида овора бўлмайди, кўп вақтни олмайди, ҳақ тўлаши ҳам ёмон эмас. Актёр Холливуднинг юлдузи Леонардо Ди Каприонинг ролларига овоз беришни жуда ёқтиради. У Каприо бош ролни ўйнаган «Ромео ва Жульетта» фильмининг дубляжиде овоз беролма- ди, холос. Қолган барча фильмлардаги Каприо Мелло тили билан «гапирди». Бразилияда Дам- тонни ҳазилашиб ёки чинданми бизнинг Ди Кап- рио деб атайди- ган бўлиб қоли- шибди.

## Жаҳон маданияти юлдузлари

# МАРАДОНА ПЕЛЕ БЎЛОЛМАДИ



**Дунёда буюк истеъодлар кам туғилади, дейи- шади. Балки шундайир. Акс ҳолда бутун олам иқтидор бозорига айланиб қолган бўларди. Тен- нис деганда Штеффи Граф, бокс деганда Муҳам- мад Али, Майк Тайсон, Артур Григорян; шохмот деганда Анатолий Карпов, Роберт Фишер; авто- пойга деганда Михаэл Шумахер, Томи Хаккинен; футбол деганда эса Пеле, Эйсебио, Гарринча, Яшинлар дарҳол кўз олдимишга келади. Улар оро- сизда миллионлаб ишқибозларни лол қолдирган, сеҳргар, ҳаётда ҳам, футболдо ҳам ўзига хос тақ- дир эгаси Диего Армандо Марадонинг номи ҳам бор. Зеро, унинг Пеле билан бир қаторда «XX аср- нинг энг яхши футболчи- си» деб тан олинishi ҳам маҳоротига, футбол риво- жига қўшган ҳиссасига му- носиб баҳодир.**

## & G'aroyibotlar

Плай» қақрияпти. У бўлса «Бока»да, у мард экан». «Бока Хуниорс»нинг футболкасини кийиб Диего узоқ йиллар ўйнади. Клуб ютди, ютқаз- ди. Лекин Марадона ҳар сафар ўзи- нинг сўзини айтди: гоҳ икки-учта, гоҳ битта гол урди. Ниҳоят «Бока» Ар- гентина чемпиони бўлди.

Ва ниҳоят... ўн бешинчи жаҳон биринчилиги... Яна Аргентина. Яна Марадона... 34 ёшли Диего худди ўн етти йил аввал бўлганидек, ен- гил, шижоатли ўйин кўрсатарди. Барча Аргентинага «олтин медал»ни тақиб қўйди. Лекин, шундай кутил- маган воқеалар бўладики, ҳатто, инсоннинг етти улаб, тушига ҳам кирмайди. «АҚШ-94»га ягона йўллан- ма берадиган саралаш ўйинлари- нинг иккинчисида Марадона допинг – текширувдан ўтди. Унинг қонига таъқиқланган модда асоратлари аниқланди. Шов-шувлар бир зумда тарқалиб кетди. «Ҳа, — деди Мара- дона. — Менинг соғлигим ёмонла- шайтир. Мен турли хил дорилардан фойдаланялман». ФИФА ўз номига келган минглаб илтимосларга қар- ши боролмай, яна Марадонга руҳ- сат берди. Аргентина Австралияни осонгина мағлуб этиб, XV чемпио- нат финал ўйинларига йўлланма олди. 1994 йилги жаҳон биринчили- ги Марадона учун сўнгиси бўлди. У Греция терма жамоаси дарвозаси- га тўп киритгандан кейин қувончи осмонда эди. Иттифоқо гиеҳванд- ликка қарши курашувчи идоранинг ходими ФИФАдан Марадонани до- пнинг назоратидан ўтказишни талаб қилди. ФИФА буни бажармаслиги мумкин эмасди. Нигерияга қарши бўладиган ўйиндан олдин текширув бўлди. Машҳур футболчининг қони- дан эфедрин ва таркибиде эфед- ран бор тўрт хил модданинг асо- ратлари аниқланди. Шу тариқа фут- бол Марадонадан жудо бўлди. У футболни тарк этиши аниқ бўлиб қолди.

XX асрнинг охирида «Бока Хуни- орс» яна бою-бадавлат клубга ай- ланди. У қитъаларо кубок учун Мадриднинг «Реал» клуби билан Токиода учрашди. Галаба қозонди. XXI асрни жаҳоннинг энг кучли клуби сифатида кутиб олди. Лекин Марадона ўйиндан ташқарида қол- ди. Япония ҳукумати унга виза бер- ди.

Футбол учун ўзининг бор-йўғини фидо қилган Диего Марадонанинг зафарли йўли шу тариқа поёнига етди. ФИФАнинг бош котиби Зепп Блаттер «бу инсон учун чинакам фо- жиадир», деди. Бундай фожиа ўз вақтида Гарринчанинг ҳам, Эйсеби- онинг ҳам бошига тушган.

Марадона Пеле бўлолмади, деб сарлавҳа қўйдик. Нега? Чунки Пеле футболчи сифатида ўз тарихини яратди. Инсон сифатида эса эрта- сини ўйлади. Бугун унинг номи билан ишловчи фирмалар, корхоналар бор. У Бразилия спорт вазири бўлди, у ҳеч нарсага муҳтож эмас. Марадона ҳақида бундай деёлмай- миз. У мард футболчи эди, яшил майдонда мардлиги, сеҳргарликла- ри, хайратомуз ўйинлари, тилларда эса номи қолди. XX аср футболи ҳақида гап кетганда ҳеч ким Мара- донани четлаб ўтолмайди. Бу ҳам унинг катта бахтидир.

Темир йўлдошев.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХВОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).



Мунозара учун мавзу

# САЛОМНИНГ МЕЗОНИ БОРМИ?

Саломлашиш, сўрашиш ҳар бир англи кишидан алоҳида эътиборни талаб этадиган инсоний муносабатлар сирасига киради. Икки ҳамкасб, дўст ёки танишнинг бири-бири билан қандай саломлашишини кузатиб туриб, улар орасидаги шахсий муносабатларнинг қандай эканлигини ҳам пайқаб олиш мумкин.

Баъзан саломлашиш ва ҳолаҳвол сўрашишда учраб турадиган бачкана қилиқларни кўриб, беихтиёр ғашингиз келади. Шундай сохта муносабатлардан бири: эркак кишининг эркак киши билан қучоқлашиб кўри-

шишидир. Тўғри, қачонки икки яқин дўст, ота-бола бир-бирларини узоқ вақт кўрмаган, шу сабабли жуда соғинган бўлса бошқа гап. Талаба қизлар орасида расм бўлиб бораётган, бир-бири билан қучоқлашиб, оғиз-бурун

ўпишиб кўришиш ҳам менга эриш кўринади. Кунда-кун ора, баъзан ҳафта ора кўришиб турганлар учун бу носамимийдир. Айрим аёллар, қизлар, баъзан йигитлар оғиз-бурун ўпишиб кўришиш маданият, замонавийлик белгиси деб ўйлаб катта хато қиладилар. Ваҳоланки, бундай кўришиш, атрофдан назар солганда, кўпинча жуда сохта, юзаки, бачкана эканлиги сезилиб туради, қолаверса шахсий покизалик қоидаларига ҳам зид!

Балки менинг шахсий мулоҳазаларим янглишдир. Сиз бунга қандай қарайсиз?

Баҳром ТУРСУН.

Bolalik bog'i

# YALPIZ TERAR GULNOZA

Ariq bo'yida maysa,  
Suvlarda sho'x andoza.  
Chimchib-chimchib, donalab,  
Yalpiz terar Gulnoza.

To'lqin-to'lqin irmoqlar,  
Kuy chalar, qanday soz-a,  
Savatchasi yonida,  
Yalpiz terar Gulnoza.

Borliq chinni kosaday,  
Yuvilgan biram toza.  
Sochida tol bargagl  
Yalpiz terar Gulnoza.

Asot  
ZIYOMAT.

8-саҳифа меҳмони

Ҳар бир гулнинг ўз иси бўлади. Гулзорда гул қанчалар кўп бўлса, у шунча гўзаллашади. Бир сафар ошнам билан гурунглашиб ўтирганимизда ойнаи жаҳонда нотаниш хонандалар ўз қўшиқларини ижро этишди. «Бунчалар кўпайиб кетишмасан», деб фикр билдирганим, ошнам бош чайқади: «Ҳар бир хонанданинг ўз мухлиси бор. Сенга ёқмасан, менга ёқар, бошқа бировга ёқар. Янги ном пайдо бўлганида, сира ҳам норози бўлиш керак эмас», деди. Маҳмуджон Азимов ҳақида ўйлаганимда доим шу гурун, шу сўз ёдимга келаверади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуджон Азимов санъат оламида бугун номи чиққанлардан эмас. Унинг қўшиқлари 1980-йиллардан бошлаб янграб келади. Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият Саройи қошидаги «Парвоз» ашула ва рақс халқ ансамблига раҳбарлик қила бошлагандан сўнг унинг ижодида Ватан туйғуси, айниқса, яққол намоён бўлди.

— Маҳмуджон, 14 апрелда Халқлар дўстлиги саройида катта концертингиз бўлар экан. Анчадан бери бундай дастур эълон қилмаган эдингиз...

— Бу йил мустақиллигимизнинг ўн йиллиги нишонланади. Қимирлаган жон борки, бу муқаддас байрамга ўзининг тухфаларини тақдим этади. Менинг дегандан кўра, бизнинг деганим тўғрироқ бўлади, концертимиз ҳам ана шу кунга аталган.

— Уни илк бор ижро этганингизда бирданига машҳур бўлиб кетган эди...  
— Мен ихлосмандларнинг хотирасидан чиқиб қолган бўлса керак, деб ўйлардим. Асло ундай эмас экан. Отахонлар, онахонлар қайта-қайта сўрашди, қўл очиб, дуо қилишди. Халқимиз ўз қадриятларини ардоқловчи қўшиқларга ниҳоятда ташна эканлигига яна бир қарра амин бўлдим.

«Хисор» жамоа ҳўжалигида қизиқ воқеа бўлди. Концерт берадиган мuddатимиз Наврўз байрамига совға бўлган янги бинонинг очилишига тўғри келиб қолибди. «Бино очилган-

дан кейин бошлайсиз», дейишди менга. Маросимда иштирок этадиган раҳбарлар ярим соатлардан мўлроқ кечикиб қолишди. 2-3 минг одам тўпланган. «Улар тарқалиб кетмасин, мен концертни бошлай қолай», дедим. «Йўқ, — дейишди менга. — Концерт шу бинода бўлади. Ҳеч ким тарқалиб кет-

уларнинг хизмати катта.

— Андижонда ҳам бўлдингизми?...

— Андижонда Бобур туғилган кун муносабати билан катта хотира кечаси, ғазал оқшомлари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Хошимов ҳам иштирок этди. Зокиржон Машрапов — биласиз-а, халқаро Бобур жамғармасининг раиси — ниҳоятда ташаббускор, тадбиркор инсон экан. Ҳиндистондан, Афғонистондан меҳмонлар таклиф қилибди. Биз ҳушовоз хонанда Маъмуржон Тўхтасинов билан Бобур хотираси ёд этилган қўшиқлардан ижро этдик. Умуман, Андижон сафарини ёшларимизга аждодларимиз ёдини табаррук билиб сақлашда катта сабоқ



# ВАТАНДИН АЙРИЛИБ БУЛМАС

майди. Чунки, сизнинг қўшиқларингизга ҳамма интиқ бўлиб турибди». Очилиш маросими бир соатча давом этди. Ундан сўнг салкам 2-2,5 соат концерт бердик. «Бўлмасин», «Оллоҳ менга бераверади», «Тушимга киради Қодирий бобом», «Амир Темур» қўшиқларимни қанчалар мароқ билан ижро этган бўлсам, шунчалар иштиёқ ва муҳаббат билан тинглашди одамлар. Мен оддий пахтакорларимизда, чорвадорларимизда, уй бекаларида шунчалар қўшиққа, эзгуликка ташналик борлигини кўриб ҳайратга тушдим. Бу ташналик аслида Ватанга муҳаббат десам тўғри бўлади. Ушбу ижодий сафаримда кўп нарсаларни янгидан кашф этиб қайтдим. Президентимиз «Халқнинг ичига боринглар», «Одамларнинг орасида бўлинглар», деб бежиз айтмас эканлар. Мен учун минглаб мухлисларимнинг қалби — Ватан бўлди. Биласиз, Ватандан эса айрилиб бўлмайди.

— Вилоятимизда ҳам бўлиб турасизми?

— Албатта. Бўстонликда концертлар бердим. Янгийўлда янги қўшиқларимнинг баъзиларини тингловчиларга ҳада этдим. Бўка туманида Наврўз арафасида концерт бердим. Шунга таъкидлашни истардимки, Тошкент вилояти ҳокимлиги барча тадбирларга сидқидилдан ёрдам бераёпти. Халқлар дўстлиги саройида бўлиб ўтадиган концертимда ҳам

бўлди.

— Янги концерт дастурингиз қандай бўлади?

— Ушбу дастур театрлаштирилган. Унда Ўзбекистон халқ артистлари Ёқуб Аҳмедов, Тешавой Мўминов, Эркин Комилев, Муҳаммадали Абдуқундузовлар иштирок этадилар. Афзал Рафиқов эса ўзининг ажойиб ривоятлари билан қатнашади. Дастуримиз Республика маънавият ва маърифат жамоатчилиги марказининг ҳамкорлигида бўлаётганини ҳам айтишим керак. Халқимизнинг сеvimли шоираси Турсуной Содикова ҳам ўзининг янги шеърларидан ўқиб бериш ниятида. Булардан ташқари Моварауннахр мусулмонлар идорасининг раиси муфтий Абдурашид қори Баҳромов хазратлари ҳам Ватани севиш, инсонни кадрлаш ҳақида нутқ ирод этмоқчилар. Менинг қўшиқларим ҳам Ватан туйғуси, аждодларимиз ёди, хотираси, инсон қадри ҳақида бўлади. Ўзбекистон халқ артисти Мирзохид Раҳимов ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зухра Ашуровалар олиб борадиган ушбу концерт ўзига хос маънавий-маърифий дастур бўлади. Мақсадимиз, ёшларимиз қалбига Ватанга бўлган муҳаббатни яна ҳам чуқурроқ жо бўлишида ўзимизнинг хиссамизни кўшишдир.

— Янги қўшиқлардан ҳам ижро этасизми?

— Бўш қолдим дегунча, китоб ўқийман, газета-журналлардан ажралмайман. Яқинда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг «Йўқотганларим ва топганларим» китобини, билмадим, нечанчи марта мутолаа қилдим. Янги-янги қирраларини топдим. Турсуной Содикованинг «Ҳазрати аёл» рисоласи жуда кўп саволларимга жавоб берди. Куни кеча Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдуланинг «Ватан садоси» шеърини ўқиб қолдим. Ҳозир шунга мусиқа басталаш билан бандман. Янши қўшиқ бўлади, деб ўйлайман.

— Маҳмуджон, ижодингизга барака тилаймиз...

Маҳмуджон Азимов илк бор саҳнага чиққанида унинг отаси ва онаси шундай дейишган эди: «Болам, сен пулнинг кетидан қувма. Одамларнинг олқишини ол, халқнинг дуоси сени ҳеч қачон қуруқ қўймайди». Маҳмуджон ҳам ҳали Қозоғистон республикасининг Сайрам қишлоқларида, ҳали вилоятларимизнинг энг чекка манзилларида ўз қўшиқлари билан одамлар дилини ҳушуд этаёпти. Беминнат хизмати билан халқнинг дуосини олаяпти. Ушбу меҳру муҳаббат уни янги парвозларга чорлайверади.

Сухбатдош Фолиб МИРЗО.

Бекажон

- ◆ Шўрванинг юзидаги ортиқча ёғни йўқотиш учун бир бўлак муз парчасини солиб қўйсангиз кифоя.
- ◆ Мойбўёқда ишланган суратни хиралашиб қолганини кўрсангиз, асло ҳафа бўлманг. Уни иккига бўлинган картошка билан эҳтиёт бўлиб яхшилаб артинг — яна ярақлаб кетади.
- ◆ Қайнаганда дарров эзилиб кетадиган маҳсулотлар, масалан, балик, қуш гўштини агар ток барглари билан ўрасангиз у ўз шаклини асло йўқотмайди.
- ◆ Матодан эски ёғ доғларини кетказиш учун унга картошка крахмалидан анча сепинг ва ярим соатдан кейин юмшоқ чўтка билан тозалаб ташланг.

Матлуба  
МАҲМУДЖУҲАЕВА  
тайёрлади.



Об-ҳаво  
Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 24-28 март кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Шу даврнинг иккинчи ярмида момақалдирок бўлиб қисқа мuddатли ёмғир ёғиши эҳтимоли бор. Шамолнинг тезлиги ҳар соғияда 15-20 метрга етади.  
Ҳарорат кечалари 9-14, кундуз кунлари 26-31 даража атрофида иссиқ бўлиши кутилади. Ёмғирли кунларда эса кундузги ҳарорат бироз пайсыйиб, 15-20 даражага етади.

Акмал Икромов туманидаги «Гаффар» шахсий корхонасига ер муносабатлари кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш Бош бошқармаси томонидан 1998 йил 3 февралда 1583773451 рақам билан берилган йўқолган

КАДАСТР МАЪЛУМОТНОМАСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Ташэкономтрейд» масъулияти чекланган жамияти ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомидида 78-10-71 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар С. Раҳимов туман ҳокимлиги томонидан 1998 йилда Бахтиёр Турапович Турдиев номига берилган, № 510187 рақамли хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

1997 йилда Миробод туман ИИБ томонидан Лобар Алишеровна Султонова номига берилган СА 0737476 рақамли паспорт йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

# СОҒИНЧИМ

Фасларнинг бағрида талаш —  
Яна баҳор, Наврўз — анъана.  
Худди сендек бағрига босиб,  
Мени кимдир қутларми, Она?..

Севилдимми, севдимми, балки...

Дилда недир қилар пўртана.  
Балки, баҳор соғинчи ўртар.  
Балки, ҳижрон қилди тантана.  
Тўрт тарафга югурдим, елдим,  
Ҳаёт, нечун қиласан таъна?  
Наҳот, ташвиш аталиб келдим?

# Шеърят

Наҳот, хато қилдимми яна?!  
Лабларим юзингга қўяйин,  
Бинафша, юз очдингми яна...  
Онамнинг ифорин туюйин...  
Соғинчим баҳордай гулади, мана!  
Гулбаҳор САТТОВА.

<p><b>ТОШКЕНТ HAQIQATI</b> Муассис: <b>ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ</b> ҲОКИМЛИГИ</p>	<p>Бош муҳаррир <b>Фатҳиддин</b> <b>МУҲИДДИНОВ</b></p>	<p><b>Телефонлар:</b> Хатлар ва оммавий ишлар Бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.</p>	<p><b>Манзилимиз:</b> 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.</p>	<p>Ўзбекистон Республи- каси Давлат матбуот қўмитасида № 8 рақам билан рўйхатга олинган</p>	<p>• Эълон ва билдирув- лардаги факт ҳамда да- лиллаларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берув- чилар масъулдир.</p>
--	--	--	---	---	---